

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

**“ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ”
КАФЕДРАСИ**

**“Прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат
институти: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба”
мавзусида ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

**Бажарди: “Прокурорлик фаолияти”
йўналиши тингловчиси **Ҳамдамова
Дилрабо Равшанбек қизи****

**Илмий раҳбар: профессор
Б.Х.Пулатов**

**Илмий маслаҳатчи: кафедра
бошлиғи Д.Л.Тўрахонов**

Тошкент – 2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-6
I БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ТУШУНЧАСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	6-25
1.1. Прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назорат мазмуни, предмети ва вазифалари.....	6-16
1.2. Прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назорат институти ривожланиши.....	16-25
II БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА.....	26-53
2.1. Хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назоратини амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари.....	26-41
2.2. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари.....	41-53
III БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ.....	53-77
3.1. Прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишга юзага келаётган тизимли муаммолар ва уларни ечимлари ҳамда соҳани такомиллаштириш масалалари.....	53-67
3.2. Хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назорати институтининг ижобий ва самарали механизмларини миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш масалалари.....	67-75
ХУЛОСА.....	75-79
Фойдаланилган адабиётлар.....	80-85

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланганлиги ва долзарблиги.

Мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – қонун устуворлигини бир хилда таъминлаш, халқимиз муносиб шароитда яшашига эришиш, халқни рози қилишдир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда прокуратура органлари салмоқли аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида “Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли қафолатлар яратишимиз зарур. Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик – давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. **Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур.** Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Шу мақсадда ўтган бир йил мобайнида суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Ушбу идораларнинг вазифалари аниқ белгиланиб, уларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда. Лекин бу борада қабул қилинган қатор қонун, фармон ва қарорларимиз ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта. Прокуратура органларининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас.” – деб таъкидлаган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини химоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5690-сон Фармони қабул қилиниб, бир қатор оптималлаштириш ишлари амалга оширилди, бироқ бу соҳада қонунлар ижроси юзасидан юклатилган вазифалар олибташланмади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинганга 19 йилдан ошган бўлиб, бу даврда нафақат мамлакатимизда, балки прокуратура органларида ҳам жадал ислохотлар амалга оширилди.

Шу боис, мазкур Қонунни замон талабларига мос равишда халқчиллигини кучайтирган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш зарурати мавжуд.

Бу вазифани амалга оширишда хорижий давлатларда прокуратура органлари тизимида қонунлар ижроси устидан назорат институтини тадқиқ қилиш ва ижобий тажрибани миллий тизимга жорий қилиш этиш самарали хизмат қилади.

Шунингдек, миллий прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишга юзага келаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда уларга ечимлар топиш ва соҳани такомиллаштириш зарурати бор.

Диссертация ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тартибга солувчи бироқ, ҳозирги кун талабига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга, шу каби янги таҳрирда қабул қилишга, ушбу соҳада фаолият олиб боровчи мутахассисларга қўлланма сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг мақсади. Илмий тадқиқотнинг асосий мақсади прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институтининг хорижий мамлакатлар мисолида тадқиқ қилиш, унинг амалга оширишда юзага келаётган назарий ва амалий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалар:

Биринчидан, прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат тушунчаси ва ривожланишини қиёсий таҳлиллар асосида ўрганиш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари ўрганиш ва тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф қилиш юзасидан таклифлар бериш;

Учинчидан, хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назоратини амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини қиёсий таҳлил асосида ўрганиш;

Тўртинчидан, хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назорати институтининг ижобий ва самарали механизмларини миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

-20 дан ортиқ ривожланган хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институти қиёсий таҳлил асосида ёритиб берилган;

-қонун устуворлигини бир хилда таъминлаш бўйича қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектларини рўйхатини аниқ шакллантириш асослантилган;

-Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда белгиланган йўналишлар қаторига давлатнинг ҳуқуқий статистик фаолиятини таъминлаш мақсадида юқоридаги барча назорат йўналишлари бўйича масъул ва мансабдор шахсларнинг тақдим этган статистик маълумотларини объектив ва холис тарзда тўплаш, уларни ҳисобини юритиш, ҳуқуқий статистиканинг махсус рўйхатини юритиш қонунчилиги соҳасидаги назоратни амалга ошириш киритиш масаласи ёритилган;

Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва ушбу хизмат ходимларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон

Республикасида юридик хизмат тўғрисида”ги Қонун қабул қилиш юзасидан таклифлар берилган.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, прокуратура органларига қонунчилик ижроси устидан назорат институти: миллий ва хорижий тажриба, ушбу йўналишда миллий қонунчиликдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари, хорижий давлатлардаги самарали механизмни миллий амалиётга тадбиқ қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини қонунлар ижроси устидан назорат, унинг муаммолари ва уларни бартараф этиш масалаларига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланиш амалга оширишда билишнинг илмий усулларидан – тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усуллар ва бошқа методлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклифлар, хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишига доир норматив-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигига оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, прокурор назорати фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва фан дастурларини тайёрлашда ҳам ушбу таклиф ва хулосаларга таяниш ижобий натижа беради.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 6 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 85 бетни ташкил этади.

I БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ ТУШУНЧАСИ ВА РИВОЖЛАНИШ

1.1. Прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назорат мазмуни, предмети ва вазифалари.

Давлат ҳокимиятининг табиатидан келиб чиқиб, у амалга оширадиган функцияларга мос равишда давлат аппарати, яъни давлат органлари тизими шакллантиради. Давлат органларининг турлари, ҳар бир органнинг ваколатлари кўлами давлат ҳокимияти бажарадиган вазифалар мазмунидан бевосита келиб чиқади. Башарти, исталган мамлакатни олиб кўрсак, ундаги давлат аппарати давлат органларининг оддий йиғиндиси, механик бирикмаси эмас. Аксинча, давлат бу органларнинг ягона давлат ҳокимиятини амалга оширишга йўналтирилган мантикий ва ички ўзаро боғлиқ, уюшган ва муайян ташкиллашган бир бутун тизимдир.

Давлат аппарати давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ташкилий-институционал жиҳатни ташкил этади. Унинг оқилона тузилганлиги ва тизимли уюшганлиги жамият ҳаёти самарали бошқарилишини кафолатлайди. Шу сабабли, давлат аппарати фаолиятининг самарали бўлиши учун бу аппарат таркибига кирувчи ҳар бир давлат органининг юксак даражада уюшқоқлигига, кўзланган мақсад сари сафарбар этилганлигига эришиш лозим. Бунга барча давлат органларининг ўз функционал ваколатларини тўлатуқис бажариши орқали эришилади. Ҳар бир давлат органи давлатнинг маълум фаолият йўналишини таъминлайди ҳамда муайян вазифаларни бажаради. Жумладан, парламент – қонун чиқарувчи ҳокимиятни намоён этса, ҳукумат – қонунлар ижроси ва давлат ҳокимиятини таъминлайди, суд – низоларни ҳуқуқий ҳал қилиш ва қонунни қўллашни амалга оширади, прокуратура – қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий тарғибот ва қонунийликни таъминлайди.

Бирок, хорижий давлатларда прокуратура органларига турли хил

вазифалар юклатилган, айрим давлатлар Ўзбекистон қонунчилигидан тубдан фарқ қилса, айримлари ўхшашликка эга.

Хозирги даврда дунёда прокуратуранинг икки асосий шакли: биринчиси, прокуратура жиноий-ҳуқуқий таъкиб органи сифатида; иккинчиси, қонунийликни назорат қилиш органи сифатида мавжуд.

Биринчи гуруҳга роман-герман ҳуқуқий оиласига кирувчи давлатларнинг кўпчилигида амал қилади. Ушбу мамлакатларда прокуратура, одатда, жиноий қилмиш содир этган шахсларни жиноий-ҳуқуқий таъкиб этиш, судда ошқора айбловни қувватлаш, шунингдек, жиноятларни дастлабки тергов қилиш шахсларни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақлашнинг қонунийлигини назорат қилиш вазифаларига эга бўлган органдир (Германия, Франция, АҚШ, Япония, Жанубий Корея).

Иккинчи гуруҳга эса, прокуратура қонунийликни назорат қилиш функциясидан ташқари, бошқа кўплаб вазифаларни ҳам амалга оширувчи кўп функцияли орган сифатида намоён бўлади (Венгрия, Қирғизистон, Қозоқистон, Россия, Тожикистон, шунингдек, Лотин Америкасидаги бир қатор давлатлар, жумладан Бразилия ва Колумбия).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Демак, мамлакатимизда прокуратура органларини вазифаси бу қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўлиб, унинг таъсир доираси жуда ҳам кенг.

Хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунлар ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларига

мувофиқлигини назорат қилиш прокуратура органларининг фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу фаолият “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда “қонунлар ижроси устидан назорат” деб номланган.

Қонунлар ижроси устидан назоратнинг моҳияти ва мақсадини, энг аввало, давлат бошқаруви органлари соҳасида қонунларнинг аниқ, бир хилда ижро этилиши устидан прокуратура органларининг назорати ташкил этади. Бу соҳада кўпинча маҳаллийчилик, қонунбузилишларини бартараф этишда прокуратура органларига қаршилик кўрсатиш, уларнинг фаолиятига аралashiш каби салбий ҳолатларни кўриш мумкин. Давлат бошқарувининг айнан шу соҳасида қонунларни ҳақиқатдан аниқ ва бир хилда тушуниш билан бирга, ижро этилишини таъминланиши керак. Қонун чиқарувчининг кўрсатмалари ҳаётга қатъийлик билан тадбиқ қилиниши ва бунда ҳеч қандай маҳаллий, идоравий таъсирларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Прокуратура органлари давлат бошқаруви соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошира бориб, жамият ва давлат олдида турган фуқаролар эҳтиёжини қондириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш каби вазифаларни бажарилишига шароит яратадилар. Бошқача қилиб айтганда, прокурор қонунлар ижроси устидан назорат соҳасида ўз ваколатларини амалга ошира бориб, бошқа орган ва ташкилотлар билан биргаликда сиёсий, давлат, иқтисодий, ижтимоий, миллий ва маданий қурилиш масалаларини ҳал қилади.

Қонунлар ижроси устидан назорат бутун давлат ҳудудида қонунларнинг бир хил ва аниқ бажарилишини таъминлаш, қонунийликнинг бир хил тушунилишини таъминлаш билан бирга, жинойий ҳодисалар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини ҳам бажаради.

Умумий маънода прокурорларнинг қонунлар ижроси устидан назорат бўйича фаолиятининг предмети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратдир. Прокурорлик назоратининг предмет ва доираси

29.08.2001 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган.

Назорат предмети борасида бир муҳим ўзгаришни кўрсатиб ўтиш керак: 09.12.1992 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонундан фаркли равишда янги тахрирдаги Қонунда (29.01.2001 йилдаги) “фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари” устидан назорат кўзда тутилмаган. Яъни, прокуратура органларини фуқароларнинг таъқиб-таъйиқ остига олувчи орган сифатида эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида жамиятда ролини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш” йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

Давлатимиздаги қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун бузилиш ҳолларини аниқлаш, уларни ва вужудга келишига сабаб бўлган шарт-шароитларини бартараф этиш масалалари айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган прокуратура ходимларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки қонун билан зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошира туриб, айнан прокурорлар биринчи бўлиб бундай ҳолатлар билан тўқнаш келишади ёки ўз ваколатлари доираларига кўра, бошқа назорат этувчи идоралардан келиб

тушган хужжатлар бўйича қарор қабул қилишиб, бу идоралар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигига баҳо беришади.

Маълумки, прокурорлик назорати предметига Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари кирмайди. Аммо прокурор улар Конституция ва қонунларга зид деб ҳисобласа, ўз фикрини ифодалаган маълумотни Конституциявий судга юбориши мумкин.

Прокурорлар қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда ўз ваколатларидан фойдаланиш бўйича чегарани тўғри белгилашлари керак. Чунки, бунда бир томондан, аниқланган қонунбузарлик ҳоллари таъсир чораларини кўрсмасдан қолмаслиги керак бўлса, иккинчи томондан, қорхоналарнинг тезкор хўжалик фаолиятига бевосита аралашмаслик, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажармаслик лозим. Назоратнинг чегарасини белгилашда қуйидаги қоида мезон бўлиши мумкин, қаерда қонун “ҳаракат қилса”, ўша ерда қонунлар ижроси устидан назорат “ишга тушади”.

Бироқ қатор мамлакатларда (жумладан АҚШ, Германия, Франция, Англия), прокурорнинг қонунийликни назорат қилиш институти мавжуд эмас. Унинг вазифасини анъанага кўра бошқа органлар – суд, конституциявий назорат билан шуғулланувчи махсус органлар, маъмурий юстиция органлари тизими ва жамоат ташкилотлари бажаради.

Сўнгги йилларда баъзи давлатларда прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорати борасидаги айрим функцияларини янги таъсис этилган инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар хизмати бажара бошлади.

МДХнинг айрим давлатларида прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат функцияси мавжуд ва прокуратура тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамланган. Масалан, Россияда ушбу йўналиш “Қонунларнинг ижросини назорат қилиш”, Туркменистонда “Қонунларга, Президент, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш”, Беларусда “Ҳокимият ва бошқарув органлари, қорхона, муассаса ва

ташкilotлар, мансабдор шахслар ва фукароларнинг қонунларни бажаришини назорат қилиш”, деб аталади.

Бироқ, шунини қайд қилиш лозимки, бу давлатларда қонунлар ижроси устидан назорат шакллари ва предмети муайян ўзгаришларга учраган. Масалан, Россия Федерациясининг “Прокуратура тўғрисида”ги Федерал Қонунида прокуратура органларининг назорат доираси торайтирилди ва умумназорат текширувлари фақат қонунбузилиши ҳақида хабар тушган тақдирда ўтказилиши белгиланди (*муқаддам қонун ҳужжатларида режа бўйича текширувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди*).

Мазкур Қонун прокуратура фаолиятининг учта йўналишини белгилаб берди, яъни фукароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш; жиноятчиликка қарши курашда қонунийликни таъминлаш ҳамда прокурор назорати усуллари воситасида туб иқтисодий ислохотларга кўмаклашиш.¹

Қонунларга риоя этилишини назорат қилиш предмети кирадиган қонун ҳужжатлари таркиби ҳам ўзгарган. Хусусан, Беларусда назорат предметини “Қонунлар, декретлар, фармонлар ва бошқа норматив ҳужжатлар”²., Қозоқистонда “Қонунлар, Қзоғистон Республикаси Президентининг фармонлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар”³., Қирғизистонда “қонун ҳужжатлари”⁴., Тожикистонда “қонунлар”⁵., Турманистонда “қонунлар, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Мажлис ҳужжатлари”⁶.га риоя этилишини назорат қилишни ташкил этади.

Айрим давлатларда прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат функцияси бошқа органлар зиммасига юклатилган.

Мисол учун, Эстонияда муқаддам прокуратурага тегишли бўлган қонунлар ижроси устидан назорат функциялари қисман “Адлия канцлери”

1 Шульженко Ю.Л. Конституционный статус прокуратуры Российской Федерации. – М., 1999. –С. 27-28.

2 Беларусия Республикасининг 08.05.2007 йилдаги “Беларусия Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддаси.

3 Қзоғистон Республикасининг 21.12.1995 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси.

4 Қирғизистон Республикасининг 20.11.2009 йилдаги “Қирғизистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси.

5 Тожикистон Республикасининг 03.03.2006 йилдаги “Тожикистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси.

6 Туркманистоннинг 21.11.2015 йилдаги “Туркманистон прокуратураси тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси.

деб номланган махсус мансабдор шахсга берилган. 1992 йилги Конституцияга кўра, Адлия канцлери давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари чиқарган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини назорат қилувчи мустақил мансабдор шахс. Канцлер республика Президентининг таклифига биноан парламент томонидан етти йиллик муддатга тайинланади ва у лавозимидан фақат суд қарори билан четлатилиши мумкин.

Адлия канцлери қонун чиқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идорасининг ҳуқуқ яратувчи ҳужжати Конституция ёки қонунга зид деган хулосага келса, мазкур ҳужжатни қабул қилган органга йигирма кунлик муддатда уни Конституция ёки қонунга мувофиқлаштиришни таклиф қилади. Ушбу ҳужжат мазкур муддат ичида мувофиқлаштирилмаса, Адлия канцлери Давлат судига ушбу ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида тақдимнома киритади. Адлия канцлери ҳар йили бир марта парламентга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ҳужжатлари Конституция ва қонунларга мувофиқлиги ҳақида маълумот тақдим қилади.

Шунингдек, Шарқий Европанинг айрим давлатларида ҳам қонунлар ижроси устидан назорат функцияси сақланиб қолган. Хусусан, Венгрия Конституциясига кўра, прокуратура барча жамоат ташкилотлари, давлат органлари ва фуқароларнинг қонунларга риоя этишига кўмаклашади. Қонун бузилган тақдирда қонунийликни ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Венгрия прокуратураси маъмурий органларнинг ноқонуний ҳужжатларига нисбатан протестлар киритади. Ушбу протестлар ҳужжатни чиқарган органга ёки юқори турувчи маъмурий органга тақдим этилиши керак. Юқори турувчи маъмурий органнинг қарори узил-кесил ҳисобланади ва камдан кам ҳоллардагина бу масалада бахслашиш судлар даражасида ҳал қилинади. Прокуратура қонун ҳужжатларининг Конституцияга мослигини ҳам назорат қилади ва Конституциявий судга шикоятлар билан мурожаат

этишга ҳақли. Прокуратурага қонунни ижро этиш учун чиқарилган яқка тартибдаги маъмурий қарорлар ва ҳужжатлар юзасидан протест келтириш ваколати ҳам берилган. Қайд қилинганлардан ташқари, прокуратура юридик низоларнинг муайян турларини кўриб чиқувчи носудлов органларини ва кооперативлар ходимлари ёки аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид низоларни кўриб чиқувчи органларни ҳам назорат қилади. Мазкур органлар чиқарган норматив ҳужжатлар прокурор назорати доирасига киради.

Прокуратуранинг назорат фаолияти Вьетнам, ХХР, КХДР ва Кубада кучли аҳамият касб этади. Ушбу йўналиш мазкур мамлакатларда прокуратура институтининг асосий хусусиятини белгилаб беради. Хитой Халқ прокуратураси қонунийликка риоя этилишини назорат қилувчи давлат органи, Кубада республика Бош прокуратурасининг асосий вазифаси давлат органлари, хўжалик ва ижтимоий муассасалар ҳамда фуқароларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни аниқ ижро этилишини кузатиш орқали социалистик қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Вьетнам Конституциясига кўра, Олий Халқ прокуратураси вазирликлар ва Ҳукуматга бўйсунувчи бошқа идоралар, ҳокимиятнинг маҳаллий органлар, ижтимоий ва иқтисодий ташкилотлар, қуроли кучларнинг бўлинмалари ва фуқароларнинг қонунларга риоя этишларини назорат қилади, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши ҳақида ғамхўрлик қилади. КХДРнинг Конституциясига кўра, прокуратуралар давлат органлари, корхоналар, жамоат кооператив ташкилотлар ва фуқароларнинг давлат қонунларини аниқ бажаришларини назорат қилади.

Қонунлар ижроси устидан назорат қилиш институти бир қатор Лотин Америкаси давлатларида ҳам жорий этилган. Масалан, Колумбияда Бош прокурор шахсан ёки ўзига бўйсунувчи ходимлар орқали Конституция, қонунлар, суд қарорлари ва маъмурий ҳужжатларга риоя этилишини кузатиб бориши, оммавий ваколатга эга бўлган, хусусан, халқ сайлаган шахсларнинг расмий хатти-ҳаракатларини олий назорат қилиши лозим.

Прокуратура фаолиятида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ишининг анъанавий шакли фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда у МДХ давлатларининг (*Беларус, Молдова, Россия, Туркменистон, Украина*) прокуратура тўғрисидаги қонунларида бевосита мустаҳкамланган.

Прокуратура бошқа органлар, хусусан, текширув органлари томонидан бузилган ҳуқуқларини мустақил равишда тиклаш ёки судга мурожаат қилиш учун етарли имкониятлар бўлмаган фуқаролар манфаатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Мазкур соҳада прокурор назоратининг судга мурожаат этишга нисбатан афзаллиги нафакат яқка тартибдаги қарорларни, балки инсон ҳуқуқларига салбий таъсири бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ўз ташаббуси бўйича аниқлаш ва улар юзасидан протест келтириш мумкинлигидадир. Суд ҳимоясининг механизми мураккаб ва моддий жиҳатдан маълум қийинчиликлар туғдириши сабабли ҳам сўнгги йилларда фуқароларнинг кўпроқ прокуратура органларига мурожаат қилиш тенденцияси ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат амалга оширилади. Қонунлар ижроси устидан назорат қўйидаги йўналишларда хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ижтимоий, иқтисодий, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига, вояга етмаганлар, шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари таъминланиши ва бошқа соҳаларда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат олиб борилади.

Бугун прокуратура органлари ходимлари зиммаларига юклатилган ҳар қандай вазифани бажаришга виждонан, садоқат ва юксак масъулият билан ёндашмоқда десак ҳеч муболаға бўлмайди. Биргина 2019 йил давомида қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 77 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 134 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган. 20 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилган, тегишли идораларга 16 мингга яқин тақдимномалар киритилган. Қонун талабларини бузган 40 мингга яқин шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1.709 та жиноят иши қўзғатилган. Прокурор текширишлари ва жиноят ишлари тергови давомида жами 2 трлн. 300 млрд. сўмдан ортиқ зарарнинг қопланиши таъминланган⁷.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент органлари томонидан бюджетга 1,4 трлн. сўмга яқин маблағ қўшимча ҳисобланиб, шундан 563 млрд. сўми (40%) ундирилди, ноқонуний муомаладаги 3 млн. 306 минг АҚШ доллари ва 6,9 млрд. сўм олиб қўйилди.⁸

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан ҳам газ ва электр энергиясидан 37 трлн. сўм, ижро ҳужжатлари бўйича 15,7 трлн. сўмлик ундирувлар амалга оширилди.⁹

1.2. Прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назорат институти ривожланиши

Бизга маълумки, кўпчилик дунё мамлакатларида прокуратура органлари давлат ҳокимият органлари тизимида салмоқли ва аҳамиятли ўринга эга. Айрим давлатларда прокурор жиноятни таъқиб қилиб, судда давлат айбловини қўллаб-қувватласа, айрим МДХ ва Осиё давлатларида қонунлар ижроси юзасидан тўлиқ назоратни амалга оширади. Шу ўринда,

⁷ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари қуни”ни ношонлашга бағишланган мажлисдаги маърузаси.

⁸ new-department.uz

⁹ <https://mib.uz>

прокуратура сўзини асл тарихий маъноси, пайдо бўлиши ва ривожланишини таҳлил асосида ёритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Этимологик жihatдан “прокуратура” ибораси латинча “procurare” сўзидан олинган бўлиб, “ғамхўрлик қилмоқ” деган маънони англатади.

Прокуратура қонунийликни кузатувчи ва жинойт учун таъкиб этувчи махсус институт сифатида 13-14 асрларда пайдо бўлган. Ушбу шароитда у Францияда давлат айбловини қўлловчи махсус орган сифатида (officiers du roi) шаклланди. Мазкур орган зиммасига қонунийликни кузатиш мажбурияти юклатилган. Прокуратура институти кейинчалик бошқа мамлакатлар – Австрия ҳамда Германияда ҳам тарқалган ва 19-асрни бошига келиб Европа минтақасида прокуратурани ташкил қилишинг ҳукмрон шаклига айланган.

Ўзбекистон қонунчилигига ўхшаш бўлган Россияда прокуратура мансабдор шахслар ҳаракатларининг қонунийлигини кузатиш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш органи сифатида 1722 йилда Пётр 1 нинг фармони билан ташкил топган. Ушбу фармонда “прокуратура давлатни ва бошқа барча фуқароларнинг манфаатини қўриқлаш керак”лиги таъкидланган эди. Генерал-прокурорнинг зиммасига Сенат, кейинчалик эса бошқа давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш вазифаси юклатилган. У қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаганда, хатони тузатишни тақлиф қилиши шарт бўлган, унга бўйсунмаганларида эса “протест (эътироз) билдириш ва бу ишни тўхтатиш” ҳуқуқига эга бўлган.

Прокуратуранинг ривожланиш тарихи ўтмишда у давлат органи сифатида давлат белгилаган функциялар доирасида барчани, хусусан, фуқароларни ялпи назорат қилидан тортиб, хусусий ва оммавий манфаатларини ҳимоя қилишгача бўлган вазифаларни бажарганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам прокуратура органларининг ривожланиш тарихи ўз соломасига эга.

Хусусан, 19-асрнинг 2-ярмига келиб, Россия томонидан Бухоро

амирлиги, Хива ва Кўқон хонлигидан иборат Ўрта Осиё босиб олингунига қадар, бу ерда прокуратура деб номланган махсус идора бўлмаган бўлса-да, шариат қонунларининг бажарилишини назорат қилуб турувчи махсус лавозим ва мазкур вазифани амалга оширувчи шахслар бўлган. Тарихдан маълумки, халқнинг маънавияти, маданияти, турмуш даражаси ошиб боргани сари инсон ҳуқуқларини ҳимоялашни кафолатлашга бўлган эътибор ҳам юксалиб боради.

Ислом тарихига кўра, 7-асрдаёқ инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга асосланган тизим юзага келган. Халифа Умар томонидан шикоятларни кўриб чиқиш ва низоларни хал қилиш учун “Муҳтасиб” мансабининг ташкил этилган.¹⁰ “Муҳтасиб” сўзи араб тилидаги асли “хасаба” феъли ўзагидан ясалган, унинг исм шакли “ҳисба”-ҳисоб-китоб, ажр, эваз, мукофот, ўлчов ва оғирлик ўлчовларини назорат қилувчи мансаб маъносини англатади. Муҳтасибнинг ҳаракат номи шакли “ихтисоб” сўзи ҳисоб, ҳисоблаш, мамнунлик, итоаткорлик маъноларини билдирса, муҳтасиб ўлчам ва ўғирлик ўлчовларини назорат қилувчи мансабдор, инспектор маъносида фойдаланилган.¹¹ Яхшиликка ундаш ва ёмонликдан қайтариш, нафақат, муҳтасибнинг, балки барча мусулмонларнинг вазифаси эканлиги ҳам тушунилади. Бу вазифани кўнгилли бажарувчилар “мутатавви” деб аталди.

Ҳисба тизими фақир ва заиф кишиларнинг, ожизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим бўлган муассаса вазифасини бажарган.

Прокуратура органларининг ҳам асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва зарур бўлса, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиб, судда уларнинг номларидан вакиллик қилиш, уларнинг манфаатлари йўлида даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳисобланади.

“Ҳисба” бу – амр билан маъруф. Агар ёмонлик намоён бўлганда, ёмонликдан қайтаришдир.¹²

10 Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, №1, 27-28-бет.

11 Лисон а-Араб. 3-китоб. Байрут, 1997, 164-бет.

12 Зариф ал-Ҳосимий. Низом ал-Хукм фий шаръи ва тарих ал-ислабий.

Ҳисба тизими ислом маросимларини, урф-одатларини, шариат қонунларининг бажарилишини, бозордаги нарх-наво ва ўлчов ҳисобларининг тўғрилигини назорат қилиш, ибодат ва баъзи диний маросимларни бажармаган кишиларни дарра билан уриб жазолашга ҳукм чиқариш ва ўша ернинг ўзида ҳукмни ижро эттириш каби вазифаларни бажаришни ўз ичига олган.

Ибн Халдун ўзининг “ал-Муқаддима” асарида мухтасиб вазифаларидан кўйидагиларни келтириб ўтган:

- қулайдиган девор ва биноларни бузиш учун буйруқ бериш (*иқтисодий қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти*);

- йўловчилар учун хатарли ва зарарли бўлган нарсаларни орадан кўтариш (*олдин иқтисодий қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти бўлган, ҳозирда транспорт прокуратураси фаолиятига ўтказилган*);

- қурилишларда хавфсизлик қоидаларини назорат қилиш (*иқтисодий қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти*);

- мактабларда кичик ўқувчиларни урадиган ўқитувчиларни жазолаш каби шаҳарда аҳолининг умумманфаатларини ҳимоялаш вазифаларини бажарган (*воёга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти*).

Шунингдек, мухтасиблар соғлиқни сақлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа ҳуқуқбузарликларини олин олин ва санитария қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш вазифасини амалга оширган (*ижтимоий қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти*).

Мухтасиблар халқнинг ичида бўлиб, аҳолининг ҳар кунги аҳволидан хабардор бўлишади. Бевосита ўзлари гувоҳ бўлиб турган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга ўша жойнинг ўзида барҳам беришган, ушбу фаолиятни ҳозирги кундаги секторлар фаолиятига ўхшашлигини кўришимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, қонунлар ижроси устидан назорат вазифаси Ўрта Осиёда 19-асрда эмас, бундан қарийб 1200 йил аввал махсус шахслар томонидан амалга оширилган. Прокуратура деган терминологиялардан

фойдаланилмаган бўлса ҳам албатта ўз даврига яраша жамиятдаги қонунларнинг ижросини устидан назорат амалга оширилган.

СССР таркибига кирган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг прокуратура органлари фаолияти, уларнинг ташкил топиши ва фаолият принциплари Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ташкил топиш ва фаолият принципларига жуда ўхшашдир.

Ўзбекистон прокуратура органларининг ривожланишини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчиси – XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришигача бўлган давр.

Хусусан, 1887 йил адлия вазирининг буйруғига кўра, Россия адлия вазирига маъмурий тартибда бўйсунувчи Сирдарё, Янги Марғилон, Самарқанд, Верненск вилоят судлари қошида прокуратуралар ташкил қилинди. Рус подшосининг Туркистондаги прокуратураси маъмурий-худудий тамойилга асосан ташкил қилинган эди. Округ суди қошидаги прокурор суди палатасидаги прокурорга бўйсунар эди, у эса ўз ўрнида – бевосита адлия вазирига бўйсунар ва унинг олдида ҳисобдор эди. Барча прокурорлар подшо томонидан лавозимга тайинланар ва лавозимдан озод қилинар эдилар.¹³

Туркистондаги прокуратура Рус подшолиги прокуратурасининг асосий қисмини ташкил қилиб, унинг қонунларини тадбиқ қилиш ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширар эди. Қонун бузилиши ҳолатини аниқлаган прокурор дастлаб оғзаки равишда мазкур қонун бузилишини бартараф этишни таклиф этар, ушбу таклиф бажарилмаса, ушбу қонун бузлиши ҳолатини бартараф этиш учун ваколатли органга, ундан кейин тааллуқли ҳайъатга ёки Сенатга ёзма равишда протест киритар эди. Ғайриқонуний ҳужжатга нисбатан киритилган протест ушбу ҳужжат ҳаракатини тўхтатар эди.

Иккинчиси – 1917–1924 йиллар (прокуратура тизими шаклланган давр).

13 Махбутов М. Законность в дореволюционном Узбекистане // 70 лет на страже закона. – Т., 1992.

Судлар тўғрисидаги 1-Декрет билан 1917 йилда прокуратура тугатилди. Унинг фаолияти тўрт йилдан кўпроқ вақт қайта тикланмади. Тарихий тажриба қонунчилик устидан назорат қилишни амалга оширувчи мустақил орган-прокуратурани ташкил этиш зарурати ҳақидаги фикрга етаклаб келди. Ҳар бир тармоқни бошқаришда ташкил этилган назорат қонунийликни таъминлаш учун етарли кафолатларни яратмас эди, чунки у идоравий ташкилот эди. Уезд ижроия қўмиталари вилоят ижроия қўмиталарининг аҳлия бўлимларига юклатилган қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат ҳам унчалик даражада самарали эмас эди. Давлат олдида қонунларни аниқ ижро этилиши устидан назорат қилишни такомиллаштириш вазифаси пайдо бўлди, сабаби шу кунгача амал қилган қонунийликни таъминлаш тизими ўзини окламади, у қонунийлик учун олиб борилаётган мақсадли курашни таъминлай олмади. Қонунийликни амалга оширувчи, марказий ҳокимият номидан ҳаракат қилувчи, ягона услубга эга бўлган ва маҳаллий ҳокимиятга бўйсунмайдиган махсус орган ташкил қилиш зарурати пайдо бўлди.¹⁴

Учинчиси Ўзбекистон прокуратурасининг собиқ СССР таркибида ривожланиш даври (1924–1991 йиллар).

Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ташкил қилиниши ҳақидаги декрет лойиҳаси устида ишлаш 1922 йил бошида авж олиб кетди. 1922 йил 9 майда Туркистон Республикаси Совнаркоми ва Марказий ижроия қўмитаси 1922 йил 3 июнда қонуний кучга кирган Туркистон АССРнинг давлат прокуратураси ҳақидаги Низомни тасдиқладилар. 1922 йилнинг июнь ойида Туркистон АССРда прокуратура ҳам марказда, ҳам жойларда ташкил этилди. Прокуратура органларига умумий назоратдан ташқари, ҳар қандай мансабдор шахсга нисбатан ўз ташаббуси кўра ҳам, ариза ва шикоятларга кўра ҳам суд таъқибини қўзғатиш ва ушлаш ваколати берилди.¹⁵

14 Маннонов В.Р. Борба за укрепление социалистической законности в Туркестанской АССР и создание советской прокуратуры: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1967.

15 Касимова М.К. История создания и развития прокуратуры в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. – 1985. – №5. – С. 19–22. Махбутов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. – Т., 1991. – Б.107.

Прокурор назорати 1980-1990 йиллардаги авторитар режим йўлбошчиси, маъмурий буйруқбозлик тизимининг бир қисми бўлиб хизмат килди. Прокуратурадан куч ишлатиш чораларини қўллаш, зарур бўлган жойларда иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий дастаклар ишлаши лозим бўлган жойларда фойдаланилди. Шу тажриба натижасида кўпгина идоралар, совет ва назорат органлари қонунийлик ва интизомга риоя қилиниши устидан ҳақиқий назоратни ва тўлаликни таъминламаслигига олиб келди.

Нихоят, тўртинчи давр Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинган вақтдан бошлаб ҳозирги вақтгача бўлган даврни камраб олади.¹⁶

Мустақиллик ғоялари билан суғорилган 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг янги мақомини олишга йўл очиб берди. 1992 йил 8 январда “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. 1992 йилнинг 9 декабр куни “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унда мустақил Ўзбекистон прокуратурасини вазифалари, унинг фаолиятини ташкил этиш принциплари, прокурорларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Бирок, вақтни ўзи ҳуқуқий давлатни қуриш шароитида ва суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштирилиши лозимлигини талаб этди.

Шу боисдан ҳам 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунини янги таҳрири қабул қилинди. Янги қонун бўйича прокурор назорати объектидан фуқаролар чиқариб ташланди, чунки демократик жамиятда прокурорлик назоратининг объекти фуқароларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши бўлиши керак. Ҳақиқатдан ҳам прокуратуранинг назорат объекти фуқаролар бўлиши

16 Ибрагимов З.С. Прокуратура суверенного Узбекистана. – Т., 2000 – С.36–101.

мумкин эмас, уларнинг белгиланган қонунларга амал қилиши назорат қилиниши ҳисобланади. Агар ҳар бир фуқаронинг фаолиятига прокуратура аралашаверса, прокуратура нодемократик тизимнинг ижрочисига айланиб қолади.

Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизимида прокуратура органлари ўзининг махсус ўрнига эга бўлиб, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик каби принципларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимни ташкил этади, қуйи туручи прокурорлар маҳаллий ва бошқа давлат органларига бўйсунмаган ҳолда юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунуши ҳамда ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсата бошлади.

2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига 2020 йил 1 май ҳолатига кўра, 15 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, натижада заруратга қараб прокуратура тизими ривожлантирилди, прокуратура фаолиятининг услуб ва шакллари такомиллаштирилди, унинг ҳуқуқий статуси ва давлат-ҳуқуқий институтлари тизимидаги ўрни мустаҳкамланди.

Хусусан, прокуратура органларини “халқ прокуратураси”га айлантириш шу вақтгача дунёнинг бирор бир давлатида кузатилмаган ҳолат эканлигини, бундай ижобий тажриба биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида юз бермоқда. Бу жараён “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни сўзсиз амалга ошириш мақсадида 2017 йил 18 апрелда Президентнинг “Ижтимоий-иқтисодий ислохатларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон Фармонининг қабул қилинишидан бошланди. Ушбу фармон билан прокуратура органларига аниқ вазифалар юкланди, тузилмавий ўзгаришлар бўлди ва энг асосийси

“Халқ манфаатларига хизмат килиш” устувор вазифа этиб белгиланди. Бундан ташқари фаолият самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, 2017 йил 8 август куни Президентнинг “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182 сон қарори қабул қилинди ва ушбу қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар худудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлинди.

Секторлар раҳбарларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

биринчидан, уй-жой коммунал ва йўл хўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар қуриш, худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, намунавий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

иккинчидан, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, истеъмол бозорида нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, худудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва худуднинг экспорт имкониятларини

кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчидан, деҳқон хўжаликлари, томорка учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш бўйича чоралар кўриш;

бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш.

Ҳозирда сектор раҳбарлари ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда, хусусан уйма-уй юриб аҳолининг муаммолари ўрганилиб, жойида ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Бу ўз навбатида прокурорларнинг халққа кўмаклашиб, уни дарди билан яшаётганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди, жумладан 14.09.2017 йилда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўзи кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-446-сон Қонуни билан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси 9-қисм билан тўлдирилди, яъни прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жинойтчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга ошириши белгиланди.

II БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2.1. Хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назоратини амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари.

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий ва иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олинган.

Ўзбекистонда прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш жараёни суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг муайян босқичлари доирасида жамияда юз бераётган барча, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий омилларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда.

Бу борада хорижий давлатлар прокуратура органлари фаолият кўрсатилишининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини, ташкил қилиниш принциплари ва фаолиятининг асосий йўналишларини қиёсий таҳлил қилиш аҳамияти ниҳоятда муҳим. Бинобарин, жаҳон халқлари ривожланиши амалиётидан маълумки, ҳар бир мустақил, суверен давлат, ҳеч қачон бошқа давлатлардан ажралган ҳолда ўз қобиғига ўралиб, тараққиётга эришмаган. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақил давлат мақомига эга бўлиши биланоқ, жаҳон ҳамжамиятига кўшилиш, демократик мамлакатлар тажрибасидан баҳраманд бўлиш йўлини тутди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, давлатчилик қурилиши соҳасида ҳам дунёнинг икки юздан ортиқ мамлакатларда салмоқли, эътиборга лойиқ тажриба тўплангани аёндыр. Шунингдек, парламент, ҳуқумат, суд ва бошқа давлат органлари каби прокуратуранинг

ташқил этилиши ва фаолияти бўйича ҳам дунё мамлакатларида жуда катта ижобий тажриба ҳамда амалиёт мавжуд.

Хорижий давлатларнинг аксарият қисмида прокуратура идоралари фаолият юритади. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамиятини мукамал тавсифлаш учун унинг нафақат ҳуқуқий, балки функционал жиҳатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Зеро, прокуратуранинг зиммасига юклатилган функциялар йиғиндиси унинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий-ижтимоий мақомини белгилаб беради.

Биз энди бевосита хорижий давлатларнинг ривожланган прокуратура органлари тизимида қонунчилик назоратини амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, шунини айтиш мумкинки, уларнинг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг барча фаолияти давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Мамлакатимизга чегарадош давлатлардан бири бўлган Қозғистон Республикаси прокуратураси фаолиятида Қозғистон Республикаси Президентининг чиқарган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари бажарилиши устидан олий назорат қилиш масаласига ҳам урғу бериб ўтганлар. Бу соҳада Республика Президентининг чиқарган фармонларининг ижроси Республика ҳудудида қандай амалга оширилмоқда ҳамда мансабдор шахсларнинг чиқарилган фармонларининг ижросини таъминлаш юзасидан фаолияти масалалари назорат остига олингандир. Бу назорат йўналишини ҳам ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки мамлакат Президентининг давлат фаолиятини тартибга солиш ва ислохотларни амалга оширишдаги асосий ғоялар у томонидан чиқариладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади, мазкур ҳужжатларни ижросини таъминлаш эса доимо долзарб ҳисобланади.

2017 йил 30 июндаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига кўра, прокуратура органлари томонидан Қонунлар, Қозғистон Республикаси

Президентининг фармонлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назорат олиб борилади.

Ушбу функция Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасининг Жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш хизмати томонидан амалга оширилади. Хизмат қуйидаги таркибий тармоқлардан иборат:

1. Иқтисодий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси;

Унинг таркиби:

-Молия қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат бўлими;

-Мулкчилик ва бизнес тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат бўлими;

2. Ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси;

Унинг таркиби:

-Ижтимоий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими;

-Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчиликни қўлланилиши устидан назорат гуруҳи;

-Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қўлланилиши устидан назорат гуруҳи;

-Маъмурий иш юритувнинг қонунийлиги устидан назорат гуруҳи;

3. Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва ижро иш юритуви устидан назорат бошқармаси;

Унинг таркиби:

-Олий судда прокурорлар иштирокини таъминлаш бўлими;

-Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларининг қонунийлиги устидан назорат бўлими;

-Ижро иш юритувининг қонунийлиги устидан назорат гуруҳи;

4.Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат бошқармаси;

5. Ташкилий ишлар бўлими.

Бундан ташқари, юқорида қайд қилинган Қонуннинг 17-моддаси “Давлат ҳуқуқий статистикаси ва махсус ҳисобни юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари устидан назорат” деб номланган бўлиб, унга кўра “Давлат ҳуқуқий ҳолати, солиқ тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда давлат ҳуқуқий статистикаси ва махсус ҳисоб соҳасидаги қонунларни ижроси устидан назоратни амалга оширилиши ўзига хослиги билан эътиборга молик. Бу юзадан диссертациянинг 3-бобида таклифлар батафсил берилади.

Россия Федерацияси прокуратура органларининг фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишига нисбатан торроқ ҳисобланади. Россия Федерациясида нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг бошқарма ва раҳбарларининг чиқарган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари ва қонунларнинг ижроси устидан ҳам назорат ўрнатилгани билан ўзига хосдир. Бу масалани ҳам Ўзбекистонда чуқурроқ ўрганиб чиқиш ва ҳозирда ривожланаётган нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳам фаолиятини таҳлил этиб, улар чиқарадиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари ва шу соҳадаги қонунларнинг ижроси устидан назорат масаласини ҳам ўрганиб чиқиш керак.

Россия Федерациясининг 1992 йил 17 январдаги “Россия Федерацияси прокуратураси тўғрисида”ги Қонунга кўра, прокуратура - Россия Федерацияси номидан Россия Федерацияси Конституцияси ва қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат фаолиятини амалга оширадиган ягона марказлашган федерал тизимни ташкил этади.

Қонунчилик ижроси устидан назорат функцияси Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг Федерал қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бош бошқармага таркибига:

-Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси;

-Тадбиркорларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси;

-Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси;

-Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси;

-Давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси;

-Ташкилий-услубий бўлим;

- Хужжатли таъминлаш бўлимлари киритилган.

Бундан ташқари, Россия Федерацияси прокуратура тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, унда айрим қонунлар ижросини назоратини амалга оширувчи ихтисослаштирилган прокуратуралар борлигига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, транспорт, табиатни муҳофаза қилиш прокуратуралари, қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилувчи ахлоқ тузатишга оид муассасалардан, алоҳида муҳофазада турувчи ва тартибдаги объектларни муҳофаза қилишда қонунлар устидан назорат қилувчи прокуратуралар.

Беларусия Республикасининг 2007 йил 8 майдаги “Беларусия Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонунга кўра, қонунчилик ижроси устидан назорат функцияси Белоруссия Бош прокуратурасининг Қонунчилик ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан назорат бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Бошқарма таркибига 3 та бўлим киритилган:

-Иқтисодий соҳадаги қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими;

-Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши юзасидан назорат бўлими;

-Табиатни муҳофаза қилиш ва ер қонунчилиги ижросини назорат қилиш бўлими.

Тожикистон Республикасида прокуратуранинг қонунчилик ижроси устидан назорат функцияси Бош прокуратуранинг Умумий назорат бўлими томонидан амалга оширилади.

Собиқ иттифок давлатларида 20-асрнинг охирларида бошланган чуқур ҳуқуқий ислохотлар давомида прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан

назорат фаолияти самарасиз ва фуқаролик жамияти ғояларига мос келмайдиган нazorат сифатида жиддий танқидга учраган. Оқибатда, бу давлатларнинг аксариятида хусусан, Арманистон, Грузия, Латвия, Литва, Эстония, Молдова, Украина давлатларида қабул қилинган қонунларда прокуратуранинг ушбу муҳим функцияси бекор қилинган.

Бирок, қонунлар ижроси устидан нazorат фаолиятининг айрим соҳалари сақланиб қолган, буларни қуйида кўрсатиб ўтамиз.

Молдова Республикасининг 2016 йил 25 февралдаги “Молдова Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуни билан прокуратура фаолияти амалга оширилади.

Молдова Республикаси Бош прокуратураси тизимида Сиёсат, ислохотлар ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси:

Бошқарма таркибида:

-Сиёсат, ислохотлар ва лойиҳаларни бошқариш бўлими;

-Атроф муҳит ва жамият манфаатларига қараши жиноятларни тергов қилиш бўлими;

-Вояга етмаганлар бўйича бўлим фаолият олиб боради.

Португалия Республикасининг Конституциясининг (1979 йил 2 апрелда қабул қилинган) 219-моддасига кўра, прокуратура давлатнинг вакиллиги ва қонунда белгиланган манфаатларини ҳимоя қилади, шунингдек, ушбу моддада кўрсатилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларни олдини олиш соҳасида давлат органлари томонидан белгиланган сиёсатни амалга оширишда иштирок этади, қонунийлик ва демократик қонунчиликка асосан жиноий терговни амалга оширилади.

Португалия Бош прокуратураси тизимида умумий нazorатни амалга оширувчи тармоқ мавжуд эмас.

Бирок, қонунчилик нazorати соҳасининг йўналишларидан бири бўлган оила, ёшлар ва болалар масалалари бўйича нazorат функцияси Бош

прокуратуранинг Оила, болалар ва ёшлар ишлари бўйича бюроси томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, Грузия Бош прокуратураси тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими мавжуд.

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси дунёдаги энг етакчи давлатлардан бири бўлиб, қонун устуворлигини таъминлашда ижобий ютуқларга эришган.

Ўзбекистон-Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси бўлганлиги туфайли икки давлат ўртасидаги муносабатлар бир неча минг йиллик тарихга эга. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бир йил ўтиб, дипломатик муносабатлар ўрнатилди ва иккала давлат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатилди, 1995 йилда Тошкентда ХХР элчихонаси, 1996 йилда Пекинда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Ўтган давр мобайнида, юздан ортиқ расмий ҳужжатлар имзоланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётида хитойлик тадбиркорларининг салмоқли ўрни бор, айтилиши мумкин юртимизда хитойлик инвесторлар иштирокида тузилган 122 та корхона, шундан 102 таси қўшма корхона, 20 таси тўлиқ ХХР сармояси ҳисобидаги корхоналар фаолият олиб бормоқда. ХХРнинг Ўзбекистонга киритилган сармояси ҳажми 435 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.¹⁷

Юқорида қайд қилинганларни инобатга олган ҳолда, ХХРда прокуратура органларида қонунлар ижроси устидан назоратини амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини муҳокама қиламиз.

ХХРда прокуратура органларининг мақоми 1982 йилдаги Конституция ва 1995 йил 28 февралда қабул қилинган “Прокурорлар тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, процессуал қонунчилик билан тартибга солинган. ХХР Конституциясининг еттинчи бўлимида халқ судлари ва халқ прокуратураларининг мақоми аниқ кўрсатилган.

17 1.<https://uz.wikipedia.org>.

Конституциянинг 129-моддасига мувофиқ, ХХР халқ прокуратураси қонунийликка риоя қилинишини назорат қилиш бўйича давлат органи ҳисобланади, прокуратура органи ўз ваколатлари доирасида назоратни мустақил амалга оширадilar.

Хитой Халқ прокуратураси органининг асосий вазифалари “Прокурорлар тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган. Унга кўра прокурорларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик ҳолати бўйича назоратни амалга ошириш;
- давлат номидан айбловни қўллаб-қувватлаш;
- жиноий ишларни қўзғатиш масаласини хал қилади;
- судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- халқ судларининг жиноий ишлар бўйича чиқарган қарорлари ижросини назорат қилади;

-шахснинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракатлари ўтказилишини санкциялайди;

-халқ судлари томонидан чиқарилган қарорларга шикоят бериш тартибида шикоятлар киритади.

Хитой Халқ Республикасида прокуратура махсус мақомдаги орган, яъни ҳокимиятлар бўлиниш принципига кўра тўртинчи ҳокимият ҳисобланади.

Канада федератив давлат бўлиб, 10 та провинция ва уч ҳудуддан ташкил топган, давлат тузуми – конституциявий монархия.¹⁸

Канада прокуратураси мустақил давлат органи бўлиб, унинг асосий вазифаси жиноий таъқибни амалга ошириш, яъни Федерал юрисдикция доирасида давлат айбловини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Канада Бош прокурори бир вақтнинг ўзида Канада Адлия вазири ҳам ҳисобланади. Унинг офиси Канада адлия тизими адолатли, арзон ва самарали бўлишини таъминлаш учун жавобгардир. Вазирлик, шунингдек, юридик масалаларда Канада ҳукуматини химоя қилади. Федерал ҳукуматдаги деярли

18 <https://uz.wikipedia.org>.

барча юристлар Адлия вазирлигида ишлайди ва бошқа вазирлик ва идораларнинг юридик ишларини бошқаришга тайинланган.

Прокуратурага Адлия вазирлиги раҳбари бўлган Бош прокурор эмас, балки Давлат прокуратураси директори бошчилик қилади. У Бош прокурор томонидан махсус комиссия томонидан танланган номзодлар орасидан тайинланади ва парламент розилиги билан лавозимидан озод этилади.

Канада Давлат прокуратураси хизмати (PPSC) миллий ва мустақил прокуратура органи бўлиб, унинг асосий мақсади федерал ҳуқуқбузарликларни таъқиб қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам беришдир.¹⁹

Канадада қонунлар ижроси устидан назорат бевосита прокурорлар томонидан амалга оширилмайди.

Қонунларни қўллаш (қонунларга риоя қилиш устидан назорат) ўз ичига тергов устидан назоратни ҳам қамраб олади. Бундай ваколат провинция юрисдикциясига тааллуқли. Лекин кўп ҳолларда у шартнома бўйича федерал полиция – Канада қироллик отлик полициясига тақдим этилган.

Канада қироллик отлик полицияси федерал қонунлар ижроси устидан назоратни фақатгина ўз ҳудудида амалга оширади. Жиноят ишлари устидан назорат эса – давлат ва ҳатто халқаро миқёсда ҳам амалга оширилиши мумкин (*масалан, уюшган жиноятчилик ҳақида, давлат ва чегара назорати, ёшлар, туб аҳоли ва молиявий интеграциялар тўғрисидаги қонунлар*).

Айрим муниципалитетлар ўз таркибида полиция бўлинмаларига эга. Улар тегишли суд округида муниципал қарорлар ижроси устидан назоратни амалга оширадilar. Ўз полиция бўлинмаларига эга бўлмаган муниципалитетлар, вилоятлар, графликларда полиция хизмати шартнома бўйича ё Канада қироллик отлик полициясига ёки Онтарио ва Квебек мисолида, ўз алоҳида провинция полицияларига берилган.²⁰

Буюк Британия прокурорлари қонунлар (қарорлар, низомлар ёки қоидалар)нинг бошқа давлат органлари томонидан ижро этилишини назорат

19 <https://www.ppsc-sppc.gc.ca>

20 <https://en.m.wikipedia.org>.

килиш ҳуқуқига эга эмаслар. Прокурорларга фақат жиноят қонунчилигини бузганлик учун айблов қўйиш ваколати берилган. Ҳар бир давлат органи ёки ташкилотда амалдаги қонун бўйича ташкилот ходимларига маслаҳат бериш ва ташкилот хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган ҳуқуқшунослардан иборат бўлган маслаҳат бўлими мавжуд. Шунингдек, ташкилот ёки идораларнинг қарорлари ёки хатти-ҳаракатларидан норози бўлган жисмоний шахс, тадбиркорлик субъектлари ёки бошқа ташкилотлар ушбу қарор ёки хатти-ҳаракатларга қарши фуқаролик даъволарини ёки бошқа суд ишларини қўзғатиши мумкин. Буюк Британияда ва унинг кўпгина собиқ колонияларида жиноий таъкиб соҳасидаги олий мансабдор шахс Бош атторней бўлиб, у оммавий таъкибни олий назорат қилади ва фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича ягона суд сиёсати таъминланишига қўмаклашади ва оммавий манфаатни кафолатлайди. Унга давлат айбловчилари хизматида раҳбарлик қиладиган Оммавий таъкиблар директори (*Director of Public Prosecutions*) бўйсунди. Жиноят ишлари бўйича-жамият учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳолларда (*масалан, айниқса хавфли давлат жиноятлари содир этилган ҳолларда*) мажбурлов ҳукумати номидан судда жавобгарликка тортишни қўллаб-қувватлаш шаклида қатнашади.²¹ Фуқаролик ишлари бўйича судда даъвогар сифатида (ишнинг жамият учун алоҳида аҳамиятга эгаллиги туфайли) ёки судланувчи сифатида (ҳукуматга қарши даъво аризалари берилган тақдирда) пайдо бўлиш шаклида намоён бўлади. Бундай ҳолда Бош прокурор жиноий жавобгарликка тортишни ёки судга даъво аризасини рад этиш (қўллаш) ҳуқуқига эга.

Австралия Бош прокуратураси Австралия ҳукумати департаменти бўлиб, Австралияда қонун устуворлиги ва адлия тизимини сақлаш ва такомиллаштириш бўйича ҳукумат сиёсатини амалга оширади. Вазирлик бошқармалари ва тегишли идоралар фаолиятини бошқаради ва

21 Prosecution of Offences Act 1985. www.legislation.gov.uk

мувофиқлаштиради. Вазирлик раҳбари Австралиянинг Бош прокурорига бўйсунувчи департаментининг котиби ҳисобланади.

Бош прокуратура уч гуруҳга бўлинади, уларнинг ҳар бирини котиб ўринбосарларидан бири бошқаради.

1. Фуқаролик суди ва юридик хизматлар;
2. Миллий хавфсизлик ва жиноий одил судлов;
3. Стратегик сиёсат ва мувофиқлаштириш.²²

Австралия прокуратура органларининг асосий вазифалари қуйидаги соҳаларда қонунчилик ва адолатни сақлаш ҳисобланади:

- Маъмурий ҳуқуқ
- Низоларни муқобил ҳал қилиш
- Банкротлик
- Цензура
- Конституциявий ҳуқуқ
- Муаллифлик ҳуқуқи
- Инсон ҳуқуқлари
- Маҳаллий қонунлар ва адолатлилик дастурлари
- Халқаро ҳуқуқ
- Ҳуқуқий ислохотлар
- Юридик ёрдам
- Биллини ишлаб чиқиш
- Никоҳ ва оила ҳуқуқи
- Шахсий мулк ва қимматли қўғозлар
- Ҳамдўстлик учун юридик хизматлар
- Божхона ва чегара назорати
- Табиий офатларни бошқариш.²³

Юқоридаги ҳуқуқий муносабатларнинг характеридан кўриниб турибдики, прокуратура томонидан ижтимоий ва иқтисодий соҳасида доимий равишда, қонунчилик назорати олиб борилади. Шу билан биргаликда,

²² <https://www.attorneygeneral.gov.au>

²³ <https://en.m.wikipedia.org>.

прокуратура органлар турли хил ижтимоий дастурларни амалиётга тадбик этиш билан ҳам шуғулланмоқда. Хусусан, низоларни

муқобил ҳал қилиш соҳасидаги ишлар. Бош прокуратура Австралиянинг давлат идораларига низоларни алтернатив ҳал қилиш масалалари ва сиёсати тўғрисида маслаҳат беради. Низоларни алтернатив равишда ҳал этиш жараёнида мустақил учинчи томон одамларга низоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулида суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар кўзда тутилмаган.

1995 йил октябр ойида Бош прокурор ҳузурида мустақил экспертлар кенгаши-низоларни алтернатив ҳал қилиш бўйича миллий маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Ҳукумат фаолиятини соддалаштириш бўйича ҳукуматнинг умумий қарорига биноан, у қонун билан тасдиқланмаган ва 2013 йил охирида ўз фаолиятини тўхтатган. Кенгаш Австралияда низоларни ҳал қилишнинг алтернатив процедураларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришга муҳим ҳисса қўшди. Низоларни ҳал қилиш бўйича идоралараро гуруҳ, айниқса Австралия ҳукумати учун низоларни ҳал қилиш масалаларини муҳокама қиладилар. Гуруҳ институтларга биргаликда ишлаш, низоларни муқобил ҳал этиш соҳасидаги сиёсат ва бошқа ташаббуслардан фойдаланиш имкониятини беради. 2005 йилдаги юридик кўрсатмалар Австралия адвокатлари учун Бош прокурор томонидан чиқарилган мажбурий қоидалар тўпламидир. Кўрсатмалар муассасалардан қуйидагилар бўйича намунавий даъвогар сифатида қатнашишини талаб қилади:

-суд жараёни бошлангунга қадар низони ҳал қилишнинг бошқа усулларини кўриб чиқиш;

-низоларни ҳал қилишнинг тегишли усуллари мавжуд бўлганда суд ишларини юритишдан бош тортиш.

Бундан ташқари Бош прокуратура томонидан Оила зўравонлиги бўйича ҳуқуқий ёрдам хизмати орқали маҳаллий зўравонлик ва жинсий зўравонлик қурбонларига маънавий ва моддий ёрдам бериш тизимини йўлга қўйган.

Бош прокурор банкротлик сиёсати ва 1966 йилдаги Банкротлик тўғрисидаги қонунга риоя қилиш учун жавобгардир. Австралияда банкротлик тизими тўғридан-тўғри Австралия Молиявий хавфсизлик агентлиги томонидан бошқарилади ва тартибга солинади.

Австралия саноатлашган мамлакат ҳисобланади, саноат ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ фаолият тўлиқ хусусий сектор қўлида тўпланган бўлиб, бу соҳада хусусий коорпарацияларнинг ўзи бевосита назоратни амалга оширади. Прокуратура фақат солиқ қонунчилиги бузилган ҳоллардагина бу йўналишда текшириш ишларини амалга оширади.

АҚШ прокурорлари федерал қонунлар (қарорлар, низомлар ёки қоидалар)нинг бошқа давлат органлари томонидан ижро этилишини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Прокурорларга фақат жинойт қонунчилигини бузганлик учун айблов қўйиш ваколати берилган. Ҳар бир давлат органи ёки ташкилотда амалдаги қонун бўйича ташкилот ходимларига маслаҳат бериш ва ташкилот хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгар бўлган ҳуқуқшунослардан иборат бўлган маслаҳат бўлими мавжуд. Шунингдек, ташкилот ёки идораларнинг қарорлари ёки хатти-ҳаракатларидан норози бўлган жисмоний шахс, тадбиркорлик субъектлари ёки бошқа ташкилотлар ушбу қарор ёки хатти-ҳаракатларга қарши фуқаролик даъволарини ёки бошқа суд ишларини қўзғатиши мумкин.²⁴

АҚШда прокурор назорати тушунчаси мавжуд эмас. Ҳар битта давлат органи: вазирлик, ташкилот ва идораларда ҳуқуқий маслаҳат органи – Юридик бўлинма мавжуд (Legal Councils Office). Улар ҳуқуқшунос бўлиб, ташкилотда қонунлар ижроси тўғри амалга оширилаётганлигини назорат қилиб борадилар. Улар ҳужжатларни текшириб, улар тўғри тузилганлигига баҳо берадилар. Ушбу текширув натижасига кўра, ташкилот раҳбарига муайян қарор қабул қилиш зарурлиги ҳақида ҳуқуқий асосланган маслаҳат берадилар. Агар жиддий қонун бузилишини аниқласалар, улар бу ҳақда ФБР ёки прокурорга хабар берадилар.

²⁴ <https://en.m.wikipedia.org>.

Шунингдек, ҳар бир ташкилотнинг юқори турувчи идорасида Катта инспектор идораси (*Office of Inspector General*) фаолият кўрсатади. Унинг асосий вазифаси: ташкилотда ўғирликлар, камомад, талон-тарожликлар бўлган-бўлмаганлигини текширадилар. Улар суриштирувни худди тергов органи каби амалга оширадилар. Катта инспектор даражасига қараб, АҚШ Президенти ёки ташкилот раҳбари томонидан тайинланади ва у тегишли даражада Конгресс ёки тегишли қонун чиқарувчи идора томонидан маъқулланади. Бу идора етарли даражада мустақил бўлиб, у хатто ташкилот раҳбарининг хатти-ҳаракатларига ҳам баҳо берадилар. Агар ташкилот ходимлари томонидан жиноят ёки шу каби жиддий қонун бузилишлари содир этилганлигини аниқласалар, улар бу ҳақда прокурорга ёки ФБРга хабар берадилар.

Ташкилот ходимлари томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини ҳуқуқий маслаҳат органлари ёки катта инспекторлар назорат қиладилар. Агар меҳнат қонунчилиги бузилганлиги аниқланса, бу борада тегишли чора кўриш учун ташкилот раҳбарига мурожаат қиладилар. Умумий назорат механизмларидан яна бири – бу қонун бузилиши аниқланган ҳолда ҳар қандай шахс ташкилотни судга бериши мумкинлигида ифодаланади.

Умумий назоратнинг яна бир шакли – бу парламент назоратидир. АҚШ Конгресси бирор-бир вазирлик ёки идорада ўз текширувини ўтказиб, қонун бузилганлигини аниқласа, тегишли ҳужжатларни прокурорга юбориши мумкин.

Федерал идоралар штатлар даражасидаги вазирликларни назорат қилмайдилар. Федерал идоралар маҳаллий вазирликларни фақатгина федерал маблағлар билан боғлиқ ҳолда текширишлари мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам тўпланган ҳужжатлар катта инспекторлар ва юридик бўлинмалар томонидан прокурор ёки ФБРга тақдим этилади. Вазир ва юқори даражадаги раҳбарлар устидан назорат бевосита уларни ишга тайинлаган АҚШ Президенти томонидан амалга оширилади.

Юкорида кайд қилинганлардан АҚШда қонунлар ижроси устидан назоратнинг ўзгача шакли мавжуд ва буни ижобий тажриба деб баҳолаш ва миллий қонунчиликка тадбиқ қилса бўлади, бу юзадан диссертациянинг 3-бобида батафсил тўхталамиз.

АҚШ прокурорлари бирор-бир корхона, ташкилот ёки давлат идораларига кўрсатма еки буйруқ бериш ваколатига эга эмас.

Прокурорлар ўз ваколати доирасида худди бошқа соҳа ташкилотлари каби фақат прокуратура органлари учун кўрсатма, буйруқ бериш ваколатига эга. Масалан, агар АҚШ Қишлоқ хўжалиги Департаменти муайян дехқончилик операциялари учун кредит дастурини бошқарса, Қишлоқ хўжалиги Департаменти қарз маблағларидан фойдаланиш усуллари тўғрисида кўрсатма ёки буйруқ бериши мумкин, аммо прокурорларнинг бу ерда бирор-бир ваколатга эга эмаслар. Агар фермер қандайдир тарзда бундай кредит маблағларидан фойдаланишда жиноий қилмиш содир этса, прокурорнинг аралашуви кузатилади.

Сингапур давлати прокуратурасида қонунчилик бўлими мавжуд бўлиб, лекин мазкур бўлим томонидан назорат эмас, балки тавсиявий-маслаҳат бериш вазифаси юклатилган. Яъни, мазкур бўлим ўз ичига тўрт гуруҳни жамлаган. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тахрирлайди. Давлат органларига қонунчиликни ривожлантириш бўйича маслаҳат беради. Қонун лойиҳаси ва тафтиш гуруҳи қонунларни кўриб чиқади. Нашр гуруҳи қонунда кўрсатилган вазифалар билан биргаликда, Сингапур онлайн харталарини қўллаб-қувватлайди. Бизнес хизматлари ва менежмент гуруҳи бошқа гуруҳларга маъмурий ёрдам кўрсатади.

Испания прокуратураси томонидан қонунийлик ва жамоат ёки ижтимоий манфаатлар ҳимоясида, фуқаролик ҳолати билан боғлиқ жараёнларда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа жараёнларда иштирок этади ва назорат қилади ҳамда ижтимоий манфаатлар ҳавф остида бўлган ёки улар вояга этмаганлар, ногиронлар ёки ногиронларга

таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолларда қонун билан белгиланган фуқаролик жараёнига аралашади.

Шунингдек, махсус ихтисослаштирилган Хисоб прокуратураси ташкил этилган бўлиб, улар томонидан давлатнинг барча молиявий операцияларини назорат қилади ва молиявий текширишлар ўтказилади.

Германия, Япония ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг прокуратураларида қонунлар ижроси устидан назорат функцияси мавжуд эмас.

2.2. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишни шакллари, йўналишлари ва ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу – вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан назорат олиб борилади.

Қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари асосида ташкиллаштирилган ва уни амалга оширишни шакллари, йўналишлари шакллари белгиланган.

Хусусан, Бош прокурорнинг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруққа асосан қуйидагилар прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

-қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқдари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

-давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, мазкур соҳадаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

-вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

-қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида. тизимли қонунбузилишларни аниқлаш;

-қонунчилик ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш соҳасида. ягона амалиётни шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

-вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш.

Соҳадаги фаолиятни баҳолашнинг асосий мезонлари этиб қуйидагилар ҳисобланади:

-фаолиятнинг тизимли таҳлил, истиқболни белгилаш ва режалаштириш асосида ташкил этилганлиги;

-вояга етмаганлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг амалда тикланиши таъминланганлиги;

-бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатининг амалга татбиқ этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилганлиги;

-вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш бўйича қўрилган чораларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги;

-соҳадаги қонунбузилишлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қўрилган чораларнинг самарадорлиги, шу жумладан, қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилганлиги;

-хуқуқбузарликларнинг асл сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитлар аниқланганлиги, уларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган прокурор назорати ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳуқуқий чораларнинг асослилиги ва таъсирчанлиги.²⁵

Бош прокуратуранинг вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси, унинг ҳудудий тармоқлари ва туман (шаҳар) прокуратуралари томонидан вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, тиббий ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг барчага бирдек таъминланиши, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида қафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши, онаси воз кечган гўдакларнинг жойлаштирилиши ва қарови амалга оширилишида, ижтимоий ҳимоя чоралари кўрилишида, шунингдек, уларнинг оналарига қайтарилиши, меҳнати муҳофазасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши, айниқса уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишнинг алоҳида тартиби, муносиб меҳнат шароитларининг яратилиши, иш вақтининг белгиланиши ҳамда имтиёзлар тақдим этилиши, таълим тўғрисидаги қонунчилик талабларининг сўзсиз ижро этилиши, улар ўртасида зўравонлик, шафқатсизлик, гиёҳвандлик, экстремизм, терроризм, ахлоқсизлик ёки беҳаё турмуш тарзини тарғиб қилувчи маҳсулотлар тарқатилишини, реклама қилиниши ва намойиш этилишини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда оммалаштирилишини олдини олиш, васийлик ва ҳомийлик органларининг масъулиятини кучайтириш, айниқса етим болалар ва ота-оналари қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилалар, “Меҳрибонлик” уйлари, оилавий болалар уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштиришда қонунийликни таъминлаш, етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, соғлиғини сақлашга, уларнинг моддий таъминоти, таълим-тарбиясига қаратилган, шунингдек, таълим ва ижтимоий ҳимоя муассасаларида бюджет маблағлари

25 ЎЗР Бош прокурорнинг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғи.

мақсадли сарфланиши, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик содир этишга, уларни тиланчилик ва фoҳишалик қилишга, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, шунингдек, ақд-идроққа таъсир қилувчи бошқа моддалар истеъмол қилишга жалб қилган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши, ижтимоий хавfli ҳолатда бўлган, жиноий жавобгарликдан еки жазодан озод қилинган, жазони ижро этиш муассасалари ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига оид қонунчилик талабларининг сўзсиз ижро этилиши, улар ўз жонига қасд қилишининг асл сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа масъул идоралар айбдор ходимларини жавобгарликка тортиш чораларини кўриши лозим.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат қилсак, уларда вояга етмаганларга оид қонунчилик ижроси юзасидан назорат қандай амалга оширилади?

Хусусан, Россия Федерацияси Бош прокуратурасида Федерал қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси фаолият кўрсатади. Унинг таркибига вояга етмаганлар ҳуқуқ, эркинликлари, қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назорат бошқармаси киради.

Хитой Халқ прокуратурасининг ички ишчи аппарати бевосита қонунлар ижроси устидан назорат олиб борувчи оператив тузилма бўлиб. Унда қонун ва интизом ҳолатлари бўйича прокуратура яъни ихтисослашган тузилмаси мавжуд. Мазкур тузилмаси орқали бевосита вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат ҳам олиб боради.

Жанубий Корея прокуратураларида инсон ҳуқуқлари бўйича бошқарма ва бўлимлар мавжуд бўлиб, мазкур бўлимлар томонидан инсон ҳуқуқларини бузилганлиги яъни вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқлари бўйича ҳам ҳуқуқий ёрдам кўрсатади ҳамда аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўради. Жиноят аъломатлари аниқланса жиноят ишлари кўзғатади.

Сингапур давлати прокуратурасида конунчилик бўлими мавжуд бўлиб, лекин мазкур бўлим томонидан назорат эмас, балки тавсиявий-маслаҳат бериш вазифаси юклатилган.

Австралия давлатида Бош прокуратура “Маҳаллий адлия дастури”ни ишлаб чиққан бўлиб, бу дастур орқали – маҳбуслар ва ҳибсга олинган ёшларни реабилитация қилиш фаолияти билан шуғулланади.

Испания прокуратурасида вояга етмаганлар ишлари бўйича махсус прокуратура ташкил этилган бўлиб, вояга етмаганларни ҳимоя қилиш ва ислох қилиш масалалари бўйича ҳаракат дастурлари ишлаб чиқади ва вояга етмаган бўлимилари ишларини мувофиқлаштириб боради. Ижтимоий манфаатлар хавф остида бўлган ёки улар вояга етмаганлар, ногиронлар ёки ногиронларга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолларда қонун билан белгиланган фуқаролик жараёнига аралашади ва қонуний ҳал этади.

Эстония прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича терговни назорат қилиб боради.

АҚШ, Канада ва бошқа бир қатор ривожланган давлатлар прокуратураларида бошқа давлат идоралари ва муассасаларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти амалга оширилмайди.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш, ушбу жиноят ишлари тергови устидан назоратни амалга ошириш ва бу тоифадаги ишларни судда кўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади.

Ўрганилган тажрибадан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат функциясини муқобиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунда тергов ва тергов устидан назорат, судда иштирок этиш каби функциялар умумий тартибда амалга оширилади.

Дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш механизми бизнинг давлатимизчалик такомиллаштирилмаган. Мазкур йўналиш бўйича ишларни

янада жадаллаштириш ва мазкур йўналишдаги тизимли камчиликларни бартараф этиш лозим.

Бу борада амалга оширишга юзага келаётган тизимли муаммолар ва уларни ечимлари ҳамда соҳани такомиллаштириш масалалари 3-бобда ёритилади.

Прокуратура фаолиятининг энг муҳим йўналишлардан бири ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат ҳисобланади.

Бош прокурорнинг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғига кўра, ушбу соҳада назоратни ташкил этиш борасида:

-қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга;

-вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан соҳадаги қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлашга;

-худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг сўзсиз бажарилишига, ислоҳотларнинг амалга оширилишига тўсиқ бўлаётган омиллар ҳамда тизимли камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга;

-тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга;

-аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонунбузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга;

-кам таъминланган ва ҳимояга мухтож оилаларнинг манзилли ижтимоий ҳимоя қилинишини, аҳоли бандлигини, иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўланишини таъминлашга;

-хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантиришга оид қонун ҳужжатлари ижросига;

-малакали тиббий ёрдам кўрсатишга, аҳолига арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар етказишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашга;

-фуқароларга арзон уй-жой ажратиш, уй-жой сотиб олиш учун, биринчи навбатда, ёш оилалар, етим болаларга кредит ресурсларидан фойдаланиш имконияти яратилишига доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишига;

-сифатли коммунал хизмати кўрсатилиши ҳамда ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишига;

-табiiй ресурслар ва ер майдонларидан (қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан ташқари) мақсадли ҳамда оқилона фойдаланилишига;

-таълим жараёнининг сифати ва талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этилишини таъминлашга;

-қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни самарали амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш прокуратура органларининг энг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги қонунчилик ижроси бўйича ўрганиш ва мониторинглар натижасига кўра ғайриқонуний ҳужжатларга нисбатан 9 097 та протест келтирилган, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 6 698 та

тақдимнома киритилган, 4 201 нафар мансабдор шахс қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилган, 11 417 нафар шахс интизомий, 9 618 нафар шахс маъмурий ва 2 047 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилган.

Етказилган 21,5 млрд. сўм зарарлар ихтиёрий ундирилган, судларга 61,6 млрд. сўмлик 4 678 та аризалар киритилган, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 245 та жиноят иши қўзғатилган, 57 782 нафар шахснинг, шу жумладан 3 072 та юридик шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланган.²⁶

Бизга маълумки, мамлакатимиз аграр соҳага ихтисослашгадир, шу боис аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ўрнатилган.

Қайд қилинган назорат йўналишлари қуйидагилар белгиланган:

-худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қисмини оғишмай ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, олиб борилаётган ислохотларга тўсиқ бўлаётган омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

-ер ажратиш борасида қонунчилик талабларига риоя этилиши, ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши, ер майдонларига қишлоқ хўжайиқ экинларини жойлаштиришнинг қонуний, асосли ва адолатли амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан ҳокимлик, банклар, тайёрлов, қайта ишлаш, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларига катъий риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш, қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш;

-мавсумий агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат тадбирларини ташкиллаштириш;

²⁶ Ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолияти юзасидан 2019 йил ҳисоботи.

-фермер, дехқон, чорва хўжаликларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш;

-сифатли мева-сабзавот етиштириш, аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳиятини оширишга йўналтирилган қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

-сув ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликни, шунингдек, ирригация объектлари ҳамда гидротехника иншоотлари эксплуатациясида хўжасизлик ҳолатларини олдини олиш юзасидан чоралар кўриш;

-қишлоқ хўжалигига экологик хавфсиз, тежамкор ва юқори самарали технологияларни кенг жорий этиш ва уларни рағбатлантириш бўйича қонунчилик ва давлат дастурлари ижросини назорат қилиш;

-мелиорация ва агротехника тадбирлари ҳамда илмий тадқиқот ишлари учун ажратилган бюджет маблағлари, шунингдек, пахта ва бошоқли дон етиштириш учун йўналтирилган имтиёзли кредит ва бошқа ресурслардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган чоралар кўриб бориш.²⁷

Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунлар ижроси устидан назорат, шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва давлат дастурлари ижросини ташкил этиш борасидаги тадбирлар натижасида 2018-2019 йилда 38 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 53 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

27 Бош прокурорнинг 28.10.2017 йилдаги 148-сонли буйруғига илова.

Прокурор текширишлари ва дастлабки тергов давомида айбдор шахслардан жами 4,8 трлн сўмлик зарарни қопланиши таъминланган.²⁸

Бу соҳада қатор ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим тизимли қонунбузилишлари қайта-қайта содир қилинмоқда.

Мисол сифатида битта тумандаги ҳолатни келтириб ўтаман, жумладан Тошкент туман ҳокимлиги, туман ер ресурслари ва давлат кадастри, архитектура бўлимида ўтказилган ўрганишда уларнинг мансабдор шахслари ва бошқалар мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, суғориладиган экин майдонини муомаладан чиқари-лишига сабаб бўлиб, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар зиён етказишган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 02.06.2014 йилдаги 106-сонли баённомаси 1.1-бандига кўра, Тошкент шаҳрининг эски шаҳар ҳудудидаги уй-жойлар бузилишига тушган оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Тошкент туманида жойлашган “Амирхон агро Файз” фермер хўжалигининг 68 балл бонитетли 21,85 гектар сувли майдони Тошкент шаҳар ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси тасарруфига ўтказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 29.05.2006 йилдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида” Низомнинг 15-банди, 16.11.2019 йилдаги 911-сонли қарор билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида тўғрисида”ги Низомнинг 43-бандида ери олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга етказилган зарар ўрни ҳокимликлар томонидан қоплаб берилиши, Ер кодексининг 44-моддасида эса суғориладиган ер Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда бошқа тоифага ўтказилиши кўрсатилган.

Бирок, Тошкент туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия мансабдор

²⁸ Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолияти юзасидан 2018-2019 йил ҳисоботлари.

шахсларининг 05.11.2018 йилдаги далолатномаси ҳамда туман ҳокимининг 26.12.2018 йилдаги 1804-сонли қарори билан 68 балл бонитетли 2,6 гектар ер майдони фермер хўжалиги кўрган зарарни қоплаш учун ноқонуний равишда “MODERN HOUSES COMPLEX” МЧЖга ажратиб берилган.

Кейинчалик Ер кодексининг 6-моддасига зид равишда, туман ҳокимининг 12.08.2019 йилдаги 3088-сонли қарори билан юқорида кўрсатилган 2,6 гектар ер майдонини бегоналаштиришга рухсат бериб юборилиши оқибатида 27 нафар фуқарога сотиб юборилиб, суғориладиган экин майдонини муомаладан чиқарилишига ва ушбу ер майдонини уйи бузилган фуқароларга ажратилмаслигига сабаб бўлиб, фуқаролар жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилган.

Шунингдек, Ер кодексининг 45-моддаси талабини бузиб, “Абдувоҳид Азиз Файз” фермер хўжалигининг 130-контурдаги 85 балл бонитетли 0,74 гектар суғориладиган экин майдонини туман ҳокимлиги ҳузуридаги комиссия мансабдор шахслари томонидан 27.12.2018 йилда тузилган далолатномаси ва туман ҳокимининг 26.12.2018 йилдаги 1751-сонли қарори билан фуқаро Н.Кодировга қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун рухсат бериб, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган экин майдонини муомаладан чиқишига сабаб бўлиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Бундан ташқари, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ва “Амирхон агро бизнес” фермер хўжалиги мансабдор шахслари томонидан “Охунбобоев Агро Файз” агрофирмаси ҳудудида қишлоқ хўжалиги харитасининг 168-контурдаги “Амирхон агро бизнес” фермер хўжалигига тегишли булган 0,7 гектар 85 балл бонитетли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган алоҳида қимматга эга унумдор суғориладиган экин ерига ўзбошимчалик билан фуқаро Ф.Абдужалилов томонидан эгаллаб, бетон қориш заводи қуриб олинишига шароит яратиб, ушбу ер майдонини муомаладан чиқариб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Мазкур ҳолатларда Тошкент туман ҳокими ўринбосари Р.Турғунов,

туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи У.Мадаминов ва “Ермулккадастр” ДК Тошкент тумани филиали раҳбари А.Ақромов, туман бош архитектори Х.Абдуллаев, ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича бош мутахассиси У.Файзуллаев ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми ва 229⁴-моддаси 2-қисми “б” банди билан Бош прокурор ўринбосари томонидан жиноят иши қўзғатилган ва дастабки тергов Тошкент вилоят прокуратураси томонидан олиб борилмоқда.²⁹

Афсуски, бу каби мисолларни яна давом қилдириш мумкин. Шунга қарамадан, айрим ҳолатларда прокурорнинг қонунчилик ижроси устидан назорат функциялари максимал даражада қисқартирилиши ва ушбу функциянинг бошқа давлат идораларига ўтказилиши мумкинлиги кузатилмоқда, яъни узок муддатга мўлжалланган истиқболда прокурорнинг давлат идораларида қонунлар ижроси устидан назорат функциясидан тўлиқ ёки қисман воз кечиш йўналиши танлаб олиниши мумкин. Бунда ушбу функциялар бошқа давлат органларига ўтказилиши тушунилади.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, АҚШ ва бошқа бир қатор ривожланган давлатлар тажрибасига асосланиб, ҳар бир ташкилотда профессионал юристлар бўлинмаси фаолият кўрсатиши, улар тегишли даражада мустақил бўлиши (*ташкилот раҳбарига тўғридан-тўғри бўйсунмаслиги*), ташкилотда қонун бузилишлари аниқланган тақдирда, тегишли тартибда чора кўриш учун ҳужжатларни тўғридан-тўғри прокуратурага юборишлари лозим. Айнан шундай ҳолатда прокурорнинг функциялари муқобиллашади ва ортиқча вазифалардан халос бўлади. Бироқ ҳозирги босқичда тегишли ташкилотларда ўзини ўзи назорат қилиш функциясини шакллантирмасдан ва давлатнинг назорат функцияларини камайтириш имконини берадиган механизмларни ишга туширмасдан туриб бу ислохотни ўтказишга ҳали эрта. Шу сабабли, ўрта истиқболдаги босқичда айнан давлатнинг назорат функцияларини камайтиришга олиб келадиган янги

²⁹ Бош прокуратуранинг 11-бошқармаси томонидан 25.04.2020 йилда тақдим қилинган маълумотларга асосан ёзилди.

механизмларни ташкилотларда жорий этиш мақсадга мувофиқ.

III БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

3.1. Прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишга юзага келатган тизимли муаммолар ва уларни ечимлари ҳамда соҳани такомиллаштириш масалалари.

Мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 20 июндаги Сенат мажлисида прокуратура органларини коррупциядан ҳоли, чинакам халқ прокуратурасига айлантириш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, энг аввало, тизимдаги вазиятни ўнглашга, жамоада ишчан ва соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар Концепциясини ишлаб чиқиб, муайян ишларни амалга оширишдан бошлади ва қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди.

Олинган ахборотлар асосида энг муаммоли соҳаларни аниқлаб, қонун бузилиш ҳолатлари ва тизимли камчиликларнинг асл сабабларини бартараф этиш чоралари кўришга, ижтимоий соҳада прокурор назоратини таъминлаш баробарида фуқароларга манзилли ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилди ва мурожаатлар билан ишлаш фаолиятига ҳам янгича ёндашув асосида ташкил этиш чоралари кўрилди.

Маҳкаманинг устувор вазифаларидан бири – жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунда ўрнатилган тартибда кўриб чиқиб, ватандошларимизнинг муаммоларига амалда ечим топишдан иборатдир. Кўпгина масалаларни жойида ҳал этиш имконини берадиган фуқароларни шахсан қабул қилиш, турли қонунбузилишларга тезкор ҳаракат кўрсатишлар амалга оширилмоқда. 2019 йил давомида прокуратура органларига келиб тушган 495 минг мурожаатнинг 313 мингдан ортиғи бевосита прокуратура

органларида ҳал қилинган. Қарайб 324 минг нафар фуқаролар қабул қилиниб, муурожаатлар ҳал этилди. Прокурорлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 35 мингга яқин фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди. Бунда кўчма-сайёр қабулларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худди шундай йўл билан 104 минг жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган³⁰.

Ҳужжат айланмасини тезлаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида қисқа муддатда бутун идорани тўлиқ электрон иш юритиш тизимига ўтказиб, ортиқча қоғозбозлик ҳам тўхтатилди, бу эса ўз навбатида, ходимлар маҳнاتини енгиллаштиришга олиб келди. Бунинг натижасида 2019 йилнинг сўнги икки ойида фақатгина қоғоздан 500 млн. сўмлик маблағ тежалишига эришилди³¹.

Халқ билан мулоқот, фуқароларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, уларга кўмаклашиш прокурорларнинг кундалик ишига айланди десак, муболаға бўлмайди. Ўтган 2019 йилда бевосита прокуратура органларида ҳал этилган фуқаронинг муурожаатлари бўйича қарийб 17 млрд. сўмлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилди, 105 млрд. сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди, 41 мингдан ортиқ шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Жойларда, айниқса, чекка ва олис қишлоқларда сайёр қабуллар ташкил қилиниб, уларда қарийб 90 минг нафар фуқароларимизнинг дарду ташвишлари эшитилди ва муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам берилди³².

Кўриниб турибдики, мамлакатимида прокуратура органлари том маънода халқ прокуратурасига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни бундан 19 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ўша даврдаги прокуратура органлари билан янгиланаётган Ўзбекистоннинг прокуратура органлари фаолиятида туб ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилмоқда.

30 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органлари томонидан 2019 йил 12 ойида муурожаатларни кўриб чиқишга доир умумий кўрсаткичлар тахлили.

31 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари қуни”ни ношонлашга бағишланган тантанали мажлисдаги маърузаси.

32 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органлари томонидан 2019 йил 12 ойида муурожаатларни кўриб чиқишга доир умумий кўрсаткичлар тахлили.

Шу боис, ушбу Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш ва халқ прокуратурасини ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилаб бериш, фаолият йўналишлари ва уларни амалга ошириш шаклларини ҳам хорижий давлатлар (*ривожланган ва қонун устуворлиги самарали таъминланган*) тажрибасини ўрганган ҳолда, миллий менталитет ва қонунчиликдан келиб чиқиш лозим.

Илмий адабиётларда прокурор назоратининг функционал аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизимида прокуратура органларининг ўрни ва роли масалаларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Шу билан бирга, прокуратуранинг ваколат доираси бўйича тортишувлар тўхтагани йўқ.

Шундай қилиб, айрим собиқ совет республикаларида прокуратура органларининг, прокурор назорати соҳасидаги ваколатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тарафдори. Прокурорларнинг ваколатлари тўғрисида консерватив қарашларга риоя қилган бошқа тадқиқотчилар, мавжуд моделни қўллаб-қувватлашга даъват қилган ҳолда, замонавий жамиятда прокурорларнинг ролини кучайтириш тарафдори эмас. Баъзи олимлар прокуратура мустақиллигини чеклаш, уни қонун чиқарувчи, суд ёки ижро ҳокимиятига бўйсиниши мумкинлиги тўғрисида фикр билдиришмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар ва мазкур функцияни амалга ошириш учун прокуратура органларига жуда кенг ваколатлар берилган.

Прокуратура назоратининг объектига ҳар томонлама тезкор-қидирув фаолиятини, дастлабки терговни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам қирадилар.

Шубҳасиз, жамиятнинг турли соҳаларида бундай бир қатор ваколатларни амалга ошириш учун прокуратура органларидан турли хил

таъсирчан воситаларни талаб қилади, ва бу прокуратура назоратини универсал характерга эга эканлигини кўрсатмоқда.

МДХ давлатлари ичида ҳам Европа давлатларида ҳам ҳозиргача прокуратура органидан воз кечилмаган, ва прокурор назорати орқали давлатда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ушбу давлатларнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Прокурор назоратини бирорта давлат идорасининг функцияси билан таққослаб ёки тенглаштириб бўлмайди.

Таъкидлаш керакки, прокурор назорати унинг мазмун ва моҳиятига оид бахслар ҳамон давом этмоқда. Фанда “Прокуролик ҳуқуқи”, “Прокурор назорати ҳуқуқи”, “Назорат ҳуқуқи” атамалар юзасидан фикрлар мавжуд. Фикримизча Ўзбекистон амалиётида “Прокурор назорати ҳуқуқи” алоҳида фан соҳаси сифатида ривожланиб у давлат назоратининг асосий бўғини бўлиб шаклланди. Унинг таркибига Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат институти, инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик ижроси устидан назорат институти ва бошқалар киритилди. Аммо бу борада илмий изланишлар деярли мавжуд эмас.

Биламизки, прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари бор. Булар:

1) мавжуд булган барча қонунларни фуқаролар ва ташкилотлар томонидан уларнинг фаолият доирасидан қатъий назар аниқ ва тўғри қўлланилиши таъминлаш;

2) прокурор назорати прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари асосида амалга оширилиши;

3) прокурор назорати олий қонун чиқарувчи ва ижро органларига, Ўзбекистон Республикаси олий мансабдор шахсларига, умумий юрисдикция судларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига нисбатан татбиқ этилмаслигидир. Ҳозирда прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамасининг қонунларни қандай ижро этаётганлиги устидан назорат эмас, балки улар томонидан қабул қилинган қонун, Фармон, Фармойиш ва қарорларни ижросини таъминлаш вазифасини амалга оширмоқдалар. Бу қисман тўғри деб ўйлаймиз. Суд

мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларни прокурор назорати объектига киритмаслик фикрига қўшилаемиз, аммо масалан Вазирлар Махкамасига, Ҳисоб палатасига, Марказий банкка, Инсон ҳуқуқлари, Бола ҳуқуқлари, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллар (омбудсманларга) берилган кенг ваколатлар устидан назорат ўрнатмаслик фикримизча давлатда ҳаққоний қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмайди, чунки қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилмаслиги, айрим давлат идоралари қонуннинг кучидан четда эканлигини англашиб қўйиши мумкин.

Бизнинг фикримизча прокурор назорати объектига кирувчи барча идораларни аниқлаштириш зарур. Бу мамлакатда қонун устуворлигини бир хилда таъминлашга хизмат қилади.

Прокуратура органларининг энг муҳим бўлган вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан назорат йўналишда бир қатор самарали ишлар амалга оширилган бўлса-да, прокуратура органлари томонидан ўтказилган текшириш ва назорат тадбирларида муаммо ва камчиликлар аниқланган.

Бизга маълумки, йилдан йилга вояга етмаганлар орасида ўз жонига қасд-суиқасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Жумладан, вояга етмаганлар орасида назоратсизлик ва қаровсизликни олдини олишда ички ишлар, маҳалла ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги оқибатида мактаб ўқувчилари орасида ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатлари 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 63 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли соҳавий буйруғида, прокуратура ходимларига вояга етмаганлар ўз жонига қасд қилишининг асл сабаб ва шарт- шароитларини аниқлаш ҳамда баргараф этиш, шунингдек, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа масъул идоралар айбдор ходимларини жавобгарликка тортиш чоралари кўриш юклатилган.

Шу боис, қасд-суиқасд қилиш ҳолатлари ўрганилганида, кўпгина ҳолларда маиший масалалар сабаб бўлганлиги аниқланган. Психологлар томонидан ушбу ҳолатлар юзасидан етарлича ишлар ташкил этилмаган, чунки фаолият кўрсатаётган психологларнинг орасида номутахассис педагоглар ҳам учраб келмоқда. Биргина Қорақалпоғистон Республикасида 365 нафари (шундан, 8 нафари нопедагог), Жиззах вилоятида 310 нафари (шундан, 7 нафари нопедагог) номутахассис педагогларни ташкил этади.

Ушбу муаммо биргина халқ таълими органлари муаммоси эмас, балки жамият муаммоси, шу боис, малакали психологлар етарли эмас.

Психологларни тайёрлаш учун олий таълим муассасаларига қўшимча квоталар ажратиш, мастер классларни ўтказиш учун хориждан профессионал мутахассисларни жалб қилиш лозим.

Қайд қилинганлардан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2014 йилдаги 269-сон Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига риоя этмаган ҳолда ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганлар тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органларига хабар бермаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятларини самарали ташкил этишда амалий ёрдамлар кўрсатилмаганлиги, улар томонидан ота-онасининг қаровисиз қолган вояга етмаганлар тўғрисида ўз вақтида васийлик ва ҳомийлик органларига хабар берилмаганлиги, вояга етмаганларни тарбияси, таъминоти ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чоралари етарли даражада кўрилмаганлиги оқибатида вояга етмаганлар томонидан ўз жонига қасд қилиш ҳамда жиноят содир этиш ҳолатлари кузатилган.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, “Кўс-кўл 2” МФЙ, Аталиқ кўчаси, 66-уйда яшаган, вояга етмаган 2008 йилда туғилган А.Наримбетованинг отаси А.Наримбетов 2016 йилда Қозоғистон Республикасига ишлаш мақсадида кетганлиги, онаси З.Ешмуратова эса 2009 йилда фарзандини ташлаб, бошқа шахс билан турмуш қуриб кетганлиги

маълум бўлсада, “Кўс-кўл 2” МФЙ масъул ходимлари томонидан бу ҳақда ўз вақтида тегишли тартибда васийлик ва ҳомийлик органига хабар берилмаган. *(вояга етмаган ўз жонига қасд қилган).*

Бундан ташқари, уларга сифатли ва узлуксиз таълим беришда ҳам муаммолар мавжуд, жумладан ўтган йилда ўтказилган “Давомат” тадбирлари давомида 5.499 нафар ўқувчиларнинг дарс машғулотларига узрли сабабларсиз келмаганлиги аниқланган бўлсада, 232 нафари таълимга қайтарилмаган.

Кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда 273 нафар вояга етмаган мактаб ўқувчилари ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз бўлганликлари аниқланган.

Яна бир долзарб ва иқтисодий зарар келтирадиган ҳамда жиноятлар содир қилинишига замин яратадиган иллат – бу ишсизлик. Юртимизда аҳолини муносиб шароитларда яшаши ва иқтисодий аҳолини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган 484,3 минг нафар фуқаролар иш билан таъминланган.

Бандлиги таъминланганларнинг 267,5 минг нафари доимий ишларга ҳамда 216,8 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўтказилган ярмаркалар натижасига кўра 46,7 минг нафар шахсларга ишга кириш учун йўлланмалар берилган.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун захираланган иш ўринларига 72,7 минг нафар фуқаролар ишга жойлаштирилган.

Жорий йилнинг 9 ойида Давлат буюртмасига асосан янги иш ўринларини яратиш режаси 119,8 фоизга (266 331 та) ҳамда 2018 йилда 107,3 фоизга (372 091 та) бажарилган.

Ушбу рақамлар қай даражада тўғри? Ҳақиқатдан ҳам шунча аҳолининг бандлиги таъминланганми?

Ана шу саволларга жавоб олиш учун прокуратура органлари томонидан янги иш ўринларини яратиш ҳамда банд бўлмаган фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилишига оид қонун ҳужжатлари ижроси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўрганилган.

Текширишлар вазирлик ҳамда унинг қуйи тизимлари масъул ва мансабдор шахслари томонидан соҳага оид қонунчилик ижросини лозим даражада таъминламаслик, вазифаларига лоқайдлик билан ёндашиш, янги иш ўринлари яратиш, иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборсизлик билан қараш, ҳисоботларга қўшиб ёзиш, мурожаатларни кўриб чиқмаслик каби ҳолатларга йўл қўйиб келинган.

Айни вақтда, соҳада “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2018 йилдаги “2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3506-сонли ҳамда 05.03.2019 йилдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сонли қарорлари талаблари бузилган.

Хусусан, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан янги иш ўринларини яратиш бўйича 2018 йилги Давлат буюртмаси ижроси юзасидан иш ўринлари яратилганлиги ҳақида 17 583 та, 2019 йилда Давлат дастури ижроси бўйича 5 009 та ҳақиқатда яратилмаган иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилган текширишда 17 583 та, шундан саноат йўналишида 4 872, қишлоқ хўжалигида 3 468, хизмат кўрсатиш ва сервисда 3 003, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш 2 783, қишлоқ жойларида арзон уй-жойлар, кўп қаватли турар-жойлар ва йўл муҳандислик инфратузилма қурилиши ҳисобига 1 468, ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 992, инвестиция лойиҳалари ва аввал хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 503, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 494 та яратилмаган янги иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Хусусан, Сирдарё (4 733), Самарқанд (4 423), Хоразм (3 932), Қашқадарё (994), Қорақалпоғистон Республикасида (920), Жиззах (986), Наманган (677), Фарғона (422), Тошкент (254), Бухоро (205), Навоий (19) ва Тошкент шаҳрида (18) амалда яратилмаган янги иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Ўтган йилда йирик лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга оширилмаганлиги сабабли, 1 249 та иш ўринлари яратилмасдан қолган.

Жумладан, Сурхондарё 441, Самарқанд 274, Хоразм 247, Навоий 170, Тошкент вилояти 85, Жиззах ва Андижон вилоятларида 16 тадан иш ўринлари яратилмаган.

Сурхондарё вилояти, Термиз туманида йирик лойиҳалар (хўжалик бошқарув органлари) ҳисобига 55 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлсада, бор йўғи 1 та янги иш ўрни яратилган ҳолос.

Ишга тушмаган лойиҳалар бўйича туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ишчи гуруҳи раҳбарига ёзма маълумот тақдим қилинмаган.

Прокуратура органлари томонидан қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда жорий йилда 11 509 (6 874) та меҳнатга оид қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган.

Хусусан, меҳнат дафтарчалари юритишда 2 524 (1 604), меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 2 079 (436), меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ 849 (623), меҳнат таътили бериш қоидаларини бузиш 786 (630), жамоа

шартномаларини тузиш ва бажариш билан боғлиқ 428 (233), ишдан ноқонуний бўшатиш 244 (264), ўриндошлик ёки бир неча касбда ишлаш қоидаларини бузиш 223 (186), ноқонуний интизомий жавобгарликка тортиш 199 (100), ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ 89 (77) ва 4 088 (2 721) та жами 18 383 та бошқа қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилган.

Ачинарлиси, юқоридаги қонунбузилиши ҳолатларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ҳам йўл қўйилган.

Биргина Бош прокуратуранинг 2019 йил 2-ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига асосан ўтказилган текширишларда прокурор протестлари асосида қонунга зид бўлган 83 та ҳужжат бекор қилинган ёки қонунга мувофиқлаштирилган, аниқланган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга 214 та тақдимнома киритилган. Прокурор қарорлари ва тақдимномалари асосида 307 нафар мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Давлат ва жамоат манфаатларига етказилган 90,4 млн. сўм зарар ихтиёрий ундирилди ва фуқароларнинг манфаатларини қўзлаб, 690 млн. сўм ҳақдорлигини ундириш юзасидан судларга 392 та даъво ариза киритилган.

Натижада 1 250 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилган.

Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдимнома киритилган.³³

Бироқ, қўшиб ёзилиши ва ҳақиқатда муносиб иш ўринлари яратилмаганлиги оқибатида ишга жойлаштирилмасдан қолган аҳолини аҳволи нима бўлди?

Ҳар йили прокуратура органлари томонидан бу соҳада текшириш ўтказилади, қонунбузилишлари аниқланади ва масъул шахслар интизомий,

³³ Бош прокуратуранинг 10.1-бошқармаси томонидан 18.05.2020 йилда 10.1/15-20-20880-сон хат билан берилган маълумотномадан фойдаланилган.

маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин яна шу каби қонунбузилишлари кейинги йил яна содир қилинади.

Демак, жавобгарликка тортиш бу муаммони ечими эмас.

Асосий муаммолардан бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳозирги замон талабларга жавоб бермаслигидир. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун бундан 22 йил олдин, яъни 1998 йил 1 май янги таҳрирда қабул қилинган. Қонунда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола моддалар кўп. Ушбу Қонунни мутахассислар ва кучли, тажрибали амалиётчилар иштирокида кўриб чиқиш лозим. Қонунни аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга қаратиш эканлигидан келиб аҳоли ўртасида иштимой сўровномалар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Қоғоз билан ишлаш усулидан воз кечиш ва электронлаштирилган тизимни яратиш ва тўлақонли ишлашини ташкил қилиш лозим.

Хусусан, қонунни янги таҳрирда қабул қилинганида ҳозирги замон талабларидан бири бўлган ва қулайлик, ошқоралиқда бўладиган электрон тизимни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Яъни, “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси – меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат ресурслари баланси, ташкил этилаётган иш ўринлари ҳақидаги ҳолис, мунтазам янгилаб бориладиган маълумотлар базасини ўз ичига олган, иш берувчилар ва ходимларга меҳнат муносабатларини электрон шаклда расмийлаштириш, ишга жойлашишнинг шахсга доир тарихи, бўш (вакант) иш ўринлари, ходимларнинг сон ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда сақлаш учун майдонча тақдим этадиган электрон ахборот тизимини яратиш ва қонунга бу юзадан нормаларни киритиш керак.

Шунингдек, қўшиб ёзиш ва сохта иш ўринлари юзага келишига иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмаларини ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар асосида тайёрланишидир.

Шу боис, Қонунга бу жараёни тартибга соладиган қуйидаги мазмундаги яъни, иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини

шакллантириш, уни тартиби ҳамда давлат буюртмасини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан шакллантиришга оид моддаларни қўшиш керак.

Ушбу қоидаларни киритилиши ва электрон тизимини яратилиши иш ўринлари ҳақиқатдан яратилиши, аҳоли мақбул иш билан ростакамига банд бўлиши ва турли жиноятларни олдини олади.

Мамлакатимизда 10 мингга яқин мактаб, 14 мингдан ортиқ мактабгача таълим муассасалари, уларда жами 590 мингга яқин шахслар меҳнат фаолиятини олиб боради.³⁴

Бизга маълумки, меҳнатга оид энг кўп қонунбузилишлари айнан таълим муассасаларида кузатилади. Оқибатда ушбу муассаса ходимларидан прокуратура, суд ва бошқа муассасаларга кўплаб шикоят мазмунидаги мурожаатлар келиб тушади.

Хўш бунга сабаб нима?

Афсуски, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида кадрлар бўйича ёки юридик хизмат хизматлари ходими штати берилмаган.

Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарорнинг 5-иловасига кўра, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва тиббиёт бирлашмаларининг юридик хизматлари ходимлари улар таркибига қиравчи ташкилотларга хизмат кўрсатади.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида 1 нафар юридик хизмати ходими фаолият олиб боради, бўлимдан ташқари ҳар бир мактабда ўртача 40-100 нафар ходимлар фаолият олиб боради, айрим туман (шаҳар)ларда 20 тага яқин мактаблар фаолият юритса, айримларида 50 дан ортиқ.

Юридик хизмат ходими қанчалик уринмасин бўлим ва унинг таркибидаги муассасаларнинг ҳужжатларини қонунийлигига сифатли баҳо бера олмайди.

Ҳозирда фаолият олиб бораётган директор ва мудирлар педагог бўлиб, улар меҳнат муносабатлари бўйича етарли билим ва кўникмаларга эга эмас.

³⁴ <https://uzedu.uz>
<https://mdo.uz>

Шу омиллар оқибатида, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари кўпчилик ҳолларда поймол қилиб келинмоқда.

Хўш бунга қайдай ижобий ечим топиш мумкин?

Мазкур масала юзасидан 2 хил ечим таклиф қилинади.

Ҳар бир мактаб ёки мактабгача таълим муассасасига юридик хизмат ёки кадрлар масаласи бўйича ходим ажратиш керак деган фикрдан йироқмиз. Сабаби, бу давлат молиясига сезиларли таъсир қилади.

Биринчи таклиф шундан иборатки, мактаб ва мактабгача таълим муассасасига директор ёки мудир тайинлашда уларнинг меҳнатга оид билимларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда курс ташкил қилиш ва якуни бўйича назарий ҳамда амалий имтиҳонлардан ўтказиб, ижобий натижаларга эришилгандагина ушбу лавозимга тайинлаш керак.

Иккинчидан, ҳудуддаги таълим муассасалари, ҳудудий адлия органлари ва ҳудудий мактабгача таълим муассасалари фаоиятини мувофиқлаштириш бўлимлари, халқ таълими бўлимлари билан ҳужжатларни электрон алмашинув механизмини яратиш ва тартибини қўшма қарор билан белгилаш керак. Мисол учун, мактаб директори ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ лойиҳасини ҳудудий халқ таълими бўлимининг юридик хизмат бўйича ходимга электрон тизим орқали юборади, ходим кўриб чиқиб, ҳудудий адлия бўлимларига юборади, адлия бўлими қонуний деган хулосага келса, буйруқ имзоланади. Фақат бу тизим амалда самарали ишлаши учун электрон тизим мукамал яратилиши керак.

Бизга маълумки, амалиётда фуқаролар иш берувчи асоссиз равишда ишдан бўшатганлиги ҳақида прокуратура ва бошқа давлат органларига ёки судга мурожаат қилади. Кўпчилик ҳолатда ишдан бўшатилиши қонунийлиги ўрганилганида Меҳнат кодексининг 270-моддасининг 1-қисми 1-бандида кўрсатилган бир ойлик муддат ҳақида барча ходимларнинг хабари йўқ, яъни бу борада ҳали ҳуқуқий билим тўлиқ эмас. Шу боис, ходимларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш юзасидан иш берувчи ходимни ишдан

бўшатиш ҳақидаги буйруғида Меҳнат кодексининг 270-модда 1-қисми 1-бандида кўрсатилган муддат ва буйруқдан норози бўлса, фуқаролик суди ёки масъул ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини кўрсатиб ўтиш талабини меҳнат қонунчилигига киритиш лозим. Бир қарашда бу оддий масаладек, лекин иш берувчининг ҳар бир буйруғи замирида бир оиланинг тақдири ётади.

Бу муаммолар ва таклифлар бир қарашда прокуратура органлари фаолиятини эмас балки бошқа ташкилотларнинг яхшилашга қаратилгандек туялади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий буйруғида қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни самарали амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш прокуратура органларининг энг асосий вазифа этиб белгиланган.

3.2. Хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назорати институтининг ижобий ва самарали механизмларини миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш масалалари.

Диссертация доирасида 20 дан ортиқ ривожланган ва илғор давлатларнинг прокуратура органлари тизимида қонунчилик назорати институти тадқиқ қилинди. Айрим давлатларда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати мавжуд эмас, бироқ бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Аксарият давлатларда қонунлар ижроси устидан назорат мамлакатнинг барча соҳасини қамраб олади.

Мазкур бобда хорижий мамлакатлар прокуратура органлари тизимида қонунчилик назорати институтининг ижобий ва самарали механизмларини миллий қонунчиликка тадбиқ қилиш масалаларини ёритамиз.

Хусусан, Қзоғистон Республикасининг 2017 йил 30 июндаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси “Давлат ҳуқуқий статистикаси ва махсус ҳисобни юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари устидан назорат” деб номланган бўлиб, унга кўра “Давлат ҳуқуқий ҳолати, солиқ тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда давлат ҳуқуқий статистикаси ва махсус ҳисоб соҳасидаги қонунларни ижроси устидан назоратни амалга оширилиши ўзига хослиги билан эътиборга молик.

Давлат ҳуқуқий статистика фаолиятини назорат қилишдан кўзланган мақсад ҳар қандай вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар, қуролли кучлар, ҳарбий идораларнинг ҳарбий тузилмалари, суд томонидан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг тўғрилигини назорат қилиш ҳамда статистика қонунчилиги соҳасида назорат ўрнатишдан иборат.

Зеро, танқидий ва қиёсий таҳлиллар ҳаққоний амалга оширилсагина, давлат келажакка мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиши ва самарали тадбиқ этиши мумкин. Бу ўринда, ҳаққоний таҳлиллар муваффақият гарови, десак адашмаймиз.

Акс ҳолда, асосланмаган таҳлилий маълумотларга асосида ишлаб чиқилган дастурлар мамлакатимиз ривожланишига самарали ҳисса қўшмайди, балки қоғозбозлик ва кўзбуямачиликка сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ушбу йўналишнинг бошқа афзалликлари ҳам мавжуд. Хусусан, тақдим этиладиган ҳуқуқий статистик маълумотларнинг объективлиги, тўлиқлиги ва етарлилигини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг йўналишларидан бири бўлгач, мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва холислиги талаблари асосида иш юритиш масъулияти ортади.

Шу боис, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида кўрсатилган йўналишлар қаторига “давлатнинг ҳуқуқий статистик фаолиятини таъминлаш мақсадида юқоридаги барча назорат йўналишлари бўйича масъул ва мансабдор шахсларнинг тақдим этган статистик маълумотларини объектив ва холис тарзда тўплаш, уларни ҳисобини юритиш, ҳуқуқий статистиканинг махсус рўйхатини юритиш қонунчилиги соҳасидаги назоратни амалга ошириш” киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, яна бир ижобий тажрибани АҚШ мисолида кўришимиз мумкин. АҚШда прокурор назорати тушунчаси мавжуд эмас. Ҳар битта давлат органи: вазирлик, ташкилот ва идораларда ҳуқуқий маслаҳат органи – Юридик бўлинма мавжуд (Legal Councils Office). Улар ҳуқуқшунос бўлиб, ташкилотда қонунлар ижроси тўғри амалга оширилаётганлигини назорат қилиб борадилар. Улар ҳужжатларни текшириб, улар тўғри тузилганлигига баҳо берадилар. Ушбу текширув натижасига кўра, ташкилот раҳбарига муайян қарор қабул қилиш зарурлиги ҳақида ҳуқуқий асосланган маслаҳат берадилар. Агар жиддий қонун бузилишини аниқласалар, улар бу ҳақда ФБР ёки прокурорга хабар берадилар. Ҳар бир ташкилотнинг юқори турувчи идорасида Катта инспектор идораси (Office of Inspector General) фаолият кўрсатади. Унинг асосий вазифаси: ташкилотда ўғирликлар, камомад, талон-тароғликлар бўлган-бўлмаганлигини текширадилар. Улар суриштирувни худди тергов органи каби амалга оширадилар. Катта инспектор даражасига қараб, АҚШ Президенти ёки ташкилот раҳбари томонидан тайинланади ва у тегишли даражада Конгресс ёки тегишли қонун чиқарувчи идора томонидан маъқулланади. Бу идора етарли даражада мустақил бўлиб, у ҳатто ташкилот раҳбарининг ҳатти-ҳаракатларига ҳам баҳо берадилар. Агар ташкилот ходимлари томонидан жиноят ёки шу каби жиддий қонун бузилишлари содир этилганлигини аниқласалар, улар бу ҳақда прокурорга ёки ФБРга хабар берадилар.

Ташкилот

ходимлари томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини ҳуқуқий маслаҳат органлари ёки катта инспекторлар назорат қиладилар. Агар меҳнат

конунчилиги бузилганлиги аниқланса, бу борада тегишли чора кўриш учун ташкилот раҳбарига мурожаат қиладилар. Миллий

конунчиликда ҳам давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмати фаолият олиб бормоқда, уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сон Қарори билан янада такомиллаштирилди.

Бирок, бунда юридик хизмат ходимлари фаолиятини барибир иш берувчи – давлат органи ёки ташкилоти раҳбарига боғлаб қўйилган деб ўйлайман.

Юқоридаги кайд қилинган Қарор билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандига кўра, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек ҳудудий даражадаги давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ва озод қилинадилар.

Бир қарашда, юридик ходим ишга қабул қилинаётган ташкилот раҳбарига бўйсунмас, мустақилдек кўринсада, унинг кунлик иш фаолияти, ишга келиш-кетиши, хулқ-атвори, рағбатлантириш масалалари иш берувчи томонидан амалга оширади, бу эса ўз навбатида юридик хизмат ходимининг ҳаққоний ва мустақил фаолият олиб боришига салбий таъсир кўрсатади.

Зероки, ҳудудлардаги давлат идоралари фаолияти қонунийлиги прокуратура органлари томонидан ўрганилганида, кўплаб қонунбузилишлари аниқланган. Демак, юридик хизмат ходимлари фаолиятини самарали ва сифатли олиб бора олмапти.

Яна бир сабаби, юртимизда қонунлар ижроси устидан назоратни прокурорлар олиб боради, жумладан туман (шаҳар) ва унга тенглаштирилган прокурорларининг ўртача 2 нафар ёрдамчиси ушбу фаолиятни олиб боради, ҳудудда эса давлат органларининг ҳудудий бўлимлари, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар, академик лицей ҳамда коллежлар, соғлиқни сақлаш муассасалари сони ва ҳажми 2 нафар ходим томонидан тўлақонли қонунийликни таъминлашга имкон бермайди. Яъни, прокурор ёрдамчилари фаолияти давомида ҳудудни тўлиқ қамраб олиш имкони бўлмайди, фақатгина иш режа, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ёки раҳбар кўрсатмалари асосида текширишлар ўтказилади ва қонун бузилишларини аниқлайди. Чунки, унинг иш юритувида ўртача 30 дан ортиқ мурожаатлар, иш режа асосида текшириш, юқори турувчи прокурорнинг тошириқлари, жисмоний ва юридик шахс, уларнинг вакилларини қабули мавжуд. Ушбу ҳолатда кўпинча ходимлар штатини қўшимча қўшиш лозимлиги ҳақида фикр билдиришади, бироқ бу ўзини оқламаган, сабаби давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий буйруғида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан соҳадаги қонунчиликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ва қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни самарали амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш

прокуратура органларининг энг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шу боис, АҚШ тажрибасидан фойдаланган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тўғрисида”ги Қонун қабул қилдиниши ва унда юридик хизматни сифатини яхшилаш, ходимлар салоҳияти ва малакасини ошириш, ходимларни иш берувчисини Адлия вазирлиги қилиб белгилаш ва юристлар корпусини шакллантириш лозим, шунингдек, уларга ташкилотда ўғирликлар, камомад, талон-тарожликлар бўлган-бўлмаганлигини текшириш, агарда ташкилот ходимлари томонидан жиноят ёки шу каби жиддий қонун бузилишлари содир этилганлигини аниқласалар, улар бу ҳақда прокурорга хабар бериш ваколатини бериш лозим деб ҳисоблайман.

Португалия Республикаси Бош прокуратураси тизимида умумий назоратни амалга оширувчи тармоқ мавжуд эмас.

Бирок, қонунчилик назорати соҳасининг йўналишларидан бири бўлган оила, ёшлар ва болалар масалалари бўйича назорат функцияси Бош прокуратуранинг Оила, болалар ва ёшлар ишлари бўйича бюроси томонидан амалга оширилади.

Бизга маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 27.12.2019 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда сўзга чиқар экан, мамлакатда ажримлар даражаси юқори эканига изоҳ берди. Давлат раҳбари ёш оилалар ўртасида ажримлар унга тинчлик бермаслигини таъкидлаб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ортаётгани тинчлик бермаётганини таъкидлаб, бунга бепарволик қилаётган бир қатор ташкилотлар раҳбарларини танқид қилди.

Ушбу масала таҳлил қилинди:

Ўзбекистонда 33 млн.нафар аҳоли, шундан 16,7 млн. нафари эркак ва 16,5 млн.нафари аёл истиқомат қилади.

2018 йилда 311.379 та, шундан шаҳарларда 145.756 та, қишлоқларда 165.623 та никоҳлар тузилган.

Вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда, Самарқанд 37.449, Фарғона 35.448, Қашқадарё 31.595, Андижон 30.342, Сурхондарё 26.829, Наманган 26.449, Тошкент 25.129, Тошкент ш. 20.302, Бухоро 16.065, Хоразм 16.032, Қорақалпоғистон Республикаси 14.450, Жиззах 13.967, Навоий 9.012, Сирдарё 8.310 тани ташкил қилади.

Шунингдек, Республика миқёсида 4.786 нафар вояга етмаган қизлар, 1 нафар йигитлар билан никоҳлар тузилган.

Бирок, шу йили 32.326 та, шундан шаҳарларда 19.699 та, кишлоқларда 12.627 та никоҳдан ажралишлар рўйхатга олинган, бу тузилган никоҳни 9,6 фоизини ташкил қилади.

Ажримлар вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент ш. 4292, Андижон 4149, Тошкент 3740, Самарқанд 3725, Фарғона 3070, Наманган 2508, Сурхондарё 1885, Бухоро 1755, Қашқадарё 1626, Қорақалпоғистон Республикаси 1344, Сирдарё 1112, Жиззах 1098, Хоразм 1025, Навоий 997 тани ташкил қилиши аниқланди.³⁵

Ажримларга энг кўп сабаб бўлаётган омиллар:

- уй-жой масаласи, моддий етишмовчилик, хусусан мамлакатимизда кам таъминланган аҳоли 11,4 фоизни ташкил қилади;

- ишсизлик, жумладан меҳнатга лаёқатли аҳолининг 9,3 фоизи ишсиз бўлиб, доимий даромадга эга эмас;

- ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қуриши, эр ёки хотиннинг ишлаш учун бошқа мамлакатларга кетиб қолиши, оилада маънавий-ахлоқий муҳитнинг ёмонлиги, оилага ташқаридан бошқа шахсларнинг аралашуви, қайнона-келин муносабатлари, оила қуришдан олдин келин-куёвнинг оилавий шароити, хизмат вазифасининг хусусиятлари (масалан, ҳарбийларнинг) ҳақида маълумоти йўқлиги, оилавий кадриятларга беписандлик.

Бундан ташқари, 2018 йилда 49.011 та жиноятлар 51.775 нафар шахслар, шундан 44.700 нафар эркаклар ва 7.075 нафар аёллар томонидан

³⁵ <https://stat.uz>

содир этилган.

Айнан жиноят содир этган шахсларда ҳам ажримлар кўплаб содир бўлган.

Ажримларнинг салбий оқибатлари:

Жамият учун – нотўлиқ оилалар сони кўпаяди, оилалараро ёки қариндошлараро муносабатлар бузилади, бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади, шахснинг ижтимоий фаоллиги сусаяди.

Эркак учун – ёлғизлик хиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликка берилиши, турли касалликлар чалиниши.

Аёллар учун – ёлғизликни ҳис қилишнинг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, асабийлашишлар, рухий зўриқишлар, турли хасталиклар дуч келиши, ўз жонига қасд қилиш.

Фарзандлар тарбияси ва таъминотида муаммоларни келтириб чиқаради.

Никоҳни бекор қилиш тартибини мураккаблаштириш орқали оилани мустаҳкамлаш фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, ажримларни асл сабаблари юқорида кўрсатилган ва айнан шу масалаларни туб илдизи билан ҳал қилмасдан туриб, ажримларни камайтириш ва оилаларни сақлаб қолиш имкони мавжуд эмас.

Шу боис, қуйидагилар таклиф қилинади:

- янги оиланинг “уй-жой билан таъминланганлиги” ҳам унинг барқарорлигини таъминловчи муҳим таркиб эканлиги тан олинганлиги ижтимоий-психологик воқелик эканлигига кўра оилаларни айниқса, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни йўлга қўйиш;

- барча ўзбек оилалари ва шу жумладан, вилоят оилаларига хос бўлган “қайнота ва қайнонанинг ёшлар оиласини бошқаришга аралашуви” таъсирини камайтиришга эришиш;

- оилавий шахслараро муносабатлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар орасида “оиланинг моддий таъминланганлиги” ҳам етакчи ўринларда белгиланишидан келиб чиқиб, оилаларда иқтисодий – молиявий хўжалик фаолиятини тўғри ва оқилона юритишни йўлга қўйишни

таъминлаш;

- мамлакатимизда кенг кўлам ёзаётган хусусий ва давлат муассасалари таклиф этаётган “Оила сабоқлари”, “Ижтимоий психологик тренинглари” айнан эр-хотинларни ота-оналикка ва ўзаро муносабатларнинг турли жиҳатларига бағишланган кўрсатувлар, учрашувлар ва психологик тренинг машғулотларини кенг йўлга қўйиш.

Соғлом муҳитли оила бўлсагина, вояга етмаганлар ушбу даргоҳда тўлақонли камол топиши мумкин, улар томонидан салбий ҳолатлар ҳам содир этилмаган бўларди.

Шу боис, Португалия тажрибасини ижобий деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганларга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасини фаолиятини такомиллаштириб, уни Оила, болалар ва ёшларга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасига айлантириш таклиф қилинади.

Хулоса

1. Сўнгги уч йилда прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ 20 га яқин қонун, фармон, қарор ва фармойиш қабул қилинди. Энг муҳими, бу норматив ҳужжатлар прокуратура органлари томонидан жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Бундан ташқари, прокуратура органларини халқ прокуратурасига айлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан концепция ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни бундан 19 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ўша даврдаги прокуратура органлари билан янгиланаётган Ўзбекистоннинг прокуратура органлари фаолиятида сезиларли фарқлар мавжуд.

Шу боис, ушбу Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш ва халқ прокуратураси шакли, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилаб бериш, фаолият йўналишлари ва уларни амалга ошириш шакллари ҳам хорижий

давлатлар (ривожланган ва қонун устуворлиги самарали таъминланган) тажрибасини ўрганган ҳолда, миллий менталитет ва қонунчиликдан келиб чиқиш лозим.

2. Қозоғистон Республикаси тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида кўрсатилган йўналишлар қаторига “давлатнинг ҳуқуқий статистик фаолиятини таъминлаш мақсадида юқоридаги барча назорат йўналишлари бўйича масъул ва мансабдор шахсларнинг тақдим этган статистик маълумотларини объектив ва холис тарзда тўплаш, уларни ҳисобини юритиш, ҳуқуқий статистиканинг махсус рўйхатини юритиш қонунчилиги соҳасидаги назоратни амалга ошириш” йўналишини киритиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу йўналишнинг афзаллиги - тақдим этиладиган ҳуқуқий статистик маълумотларнинг объективлиги, тўлиқлиги ва етарлилигини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг йўналишларидан бири бўлгач, мансабдор шахслар томонидан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва холислиги талаблари асосида иш юритиш масъулияти ортади. Зеро, танқидий ва қиёсий таҳлиллар ҳаққоний амалга оширилсагина, давлат келажакка мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиши ва самарали татбиқ этиши мумкин.

3. Португалия тажрибасини ижобий деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганларга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасини фаолиятини такомиллаштириб, уни негизида Оила, болалар ва ёшларга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасини ташкил қилиш тақлиф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий буйруғида қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга

қаратилган тадбирларни самарали амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш прокуратура органларининг энг асосий вазифаси эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уйдаги таклифлар берилади:

1. АҚШ тажрибаси ва қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда юзага муаммоларни тадқиқ қилган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ва унда юридик хизматни сифатини яхшилаш, ходимлар салоҳияти ва малакасини ошириш, уларнинг мустақил фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида ходимларни иш берувчисини Адлия вазирлиги қилиб белгилаш ва юристлар корпусини шакллантириш, шунингдек, уларга ташкилотда ўғирликлар, камомад, талон-тарожликлар бўлган-бўлмаганлигини текшириш, агарда ташкилот ходимлари томонидан жиноят ёки шу каби жиддий қонун бузилишлари содир этилганлигини аниқласалар, улар бу ҳақда ҳудудий прокурорга хабар бериш ваколатини бериш таклиф қилинади.

Чунки, қонун устуворлигини таъминлашда юридик хизматни ўрни ва салоҳияти жуда аҳамиятли.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун бундан 22 йил олдин, яъни 01.05.1998 йилда янги таҳрирда қабул қилинган. Қонунда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола моддалар кўп. Ушбу Қонунни мутахассислар ва кучли, тажрибали амалиётчилар иштирокида кўриб чиқиш лозим. Қонунни аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга қаратиш эканлигидан келиб аҳоли ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Қоғоз билан ишлаш усулидан воз кечиш ва электронлаштирилган тизимни яратиш ва тўлақонли ишлашини ташкил қилиш лозим.

Хусусан, қонунни янги тахрирда қабул қилишда ҳозирги замон талабларидан бири бўлган қулай ва ошқора бўладиган электрон тизимни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси – меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат ресурслари баланси, ташкил этилаётган иш ўринлари ҳақидаги ҳолис, мунтазам янгилаб бориладиган маълумотлар базасини ўз ичига олган, иш берувчилар ва ходимларга меҳнат муносабатларини электрон шаклда расмийлаштириш, ишга жойлаштиришнинг шахсга доир тарихи, бўш (вакант) иш ўринлари, ходимларнинг сон ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда сақлаш учун майдонча тақдим этадиган электрон ахборот тизимини яратиш ва қонунга бу юзадан нормаларни киритиш керак.

Шунингдек, қўшиб ёзиш ва сохта иш ўринлари юзага келишига иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмаларини ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар асосида тайёрланишидир.

Шу боис, Қонунга иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини шакллантириш тартиби ва унда масъул ташкилотларни вазибалари ҳақида қўшимча моддаларни киритиш керак.

Ушбу қоидаларни киритилиши ва электрон тизимини яратилиши иш ўринлари ҳақиқатдан яратилиши, аҳоли мақбул иш билан ростакамига банд бўлиши ва турли жиноятларни олдини олади.

3. Ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида иш берувчи ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғида Меҳнат кодексининг 270-модда 1-қисми 1-бандида кўрсатилган муддатни ва буйруқдан норози бўлса, фуқаролик суди ёки масъул ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини кўрсатиб ўтиш талабини Меҳнат кодекси 107-моддасига киритиш таклиф қилинади.

4. Мактаб ва мактабгача таълим муассасасига директор ёки мудир тайинлашда уларнинг меҳнатга оид билимларини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда курс

ташкил қилиш ва якуни бўйича назарий ҳамда амалий имтихонлардан ўтказиб, ижобий натижаларга эришилгандагина ушбу лавозимга тайинлаш ёхуд ҳудуддаги таълим муассасалари, ҳудудий адлия органлари ва ҳудудий мактабгача таълим муассасалари фаоиятини мувофиқлаштириш бўлимлари, халқ таълими бўлимлари билан ҳужжатларни электрон алмашинув механизмини яратиш ва тартибини қўшма қарор билан белгилаш лозим.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 11.09.2017 йилдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли соҳавий буйруғида, прокуратура ходимларига вояга етмаганлар ўз жонига қасд қилишининг асл сабаб ва шарт- шароитларини аниқлаш ҳамда баргараф этиш, шунингдек, ички ишлар органлари, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа масъул идоралар айбдор ходимларини жавобгарликка тортиш чоралари қўриш юклатилганлигидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаганлар, аёллар томонидан қасд-суиқасд ҳамда оилавий ажримларни олдини олиш мақсадида, олий таълим муассасаларида психология йўналиши бўйича давлат грантлари асосида қабул квоталарни ошириш ва хорижий давлатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиб, назарий ва амалий самарали таълим бериш тизимини йўлга қўйиш тақлиф қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон;
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон;
5. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисидаги Фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,
11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармони;

8. Беларусия Республикасининг 08.05.2007 йилдаги “Беларусия Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуни;

9. Қозоғистон Республикасининг 21.12.1995 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни;

10. Қирғизистон Республикасининг 20.11.2009 йилдаги “Қирғизистон Республикаси прокуратураси тўғрисида”ги Қонуни;

11. Тожикистон Республикасининг 03.03.2006 йилдаги “Тожикистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида”ги Қонуни ;

12. Туркманистоннинг 21.11.2015 йилдаги “Туркманистон прокуратураси тўғрисида”ги Қонуни;

13. Хитой Халқ Республикасининг 01.07.1995 йилдаги “Давлат прокурорлари тўғрисида”ги Қонуни;

14. Basic Law for the Federal Republic of Germany. Promulgated by the Parliamentary Council on 23 May 1949 as amended up to June 2008;

15. Prosecutors’ office act of South Korea - Act No. 14582, Mar. 14, 2017;

16. Япония Конституцияси (07.10.1946 йилда қабул қилинган);

17. АҚШнинг 1789 йилдаги “Суд тизими тўғрисида” Федерал Қонуни;

18. The Code for Crown Prosecutors 8th Edition, October 2018. UK

19. Prosecution of Offences Act 1985. UK

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.08.2018 йилдаги "Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3913-сон қарори;

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2019 йилдаги "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4502-сон қарори;

Президент маърузалари:

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномаси. Халқ сўзи" газетаси. № 21(7501), 2017 йил, 23 декабрь;

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи" газетаси. №254 (7453) 2019 йил 8 декабрь.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи" газетаси. № 19(7490), 2020 йил, 25 декабрь;

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари:

25. Махбубов М. Законность в дореволюционном Узбекистане // 70 лет на страже закона. – Т., 1992.

26. Касимова М.К. История создания и развития прокуратуры в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. – 1985.

27. Махбубов М. Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва ривожланиши. – Т., 1991.

28. Ибрагимов З.С. Прокуратура суверенного Узбекистана. – Т., 2000

29. О.М.Мадалиев. Прокурор назорати. Дасрлик. – Т., 2012.

30. Муаллифлар жамоаси. Прокурор назорати. Дарслик. Т., ТДЮ, 2019.

31. Б.Х.Пулатов. Прокурор назорати. Дарслик. Т.

31. Б.Х.Пулатов. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Қўлланма. Т.

32. М.Х.Рустамбоев, У.А.Тухташева. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Т., 2011.

33. Дин Готтер. Омбудсман ҳамда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999, №1.

34. Лисон а-Араб. 3-китоб. Байрут, 1997.

Автореферат, диссертация ва монография:

35. Н.Т.Авазов, А.Р.Матмуротов. Хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили. Илмий рисола. –Т., 2018.

36. Маннонов В.Р. Борба за укрепление социалистической законности в Туркестанской АССР и создание советской прокуратуры. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Т., 1967.

37. Дымолазов В.С. Прокурорский надзор за исполнением законодательства об отходах производства и потребления: диссертация ... кандидата Юридических наук: 12.00.11 / Дымолазов Виталий Сергеевич, 2017.

38. Чубенко И.С. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере оказания поддержки субъектам малого и среднего предпринимательства: диссертация...кандидата юридических наук: 12.00.11 / Чубенко Ирина Сергеевна; - Москва, 2013.- 228 с.: ил. РГБ ОД, 61 13-12/115

39. Феоктистова Е.А. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере долевого строительства многоквартирных домов : диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.11 / Феоктистова Евгения Анатольевна;.- Москва, 2010.- 234 с.: ил. РГБ ОД, 61 10-12/650

40. Пустовалова О.А. Совершенствование прокурорского надзора за исполнением экологического законодательства: автореферат дис. ... кандидата юридических наук: 12.00.11 / Пустовалова Олеся Александровна;- Москва, 2012.- 26 с.

41. Калугина О.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства в Российской Федерации: диссертация ... кандидата

юридических наук: 12.00.11 / Калугина Оксана Викторовна;- Москва, 2013.- 274 с.: ил. РГБ ОД, 61 14-12/29

42. Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: диссертация ... доктора юридических наук: 12.00.11 / Субанова Наталья Викторовна;- Москва, 2013.- 462 с.

43. Агабабян А.З. Прокурорский надзор за соблюдением конституционного права на труд : вопросы теории и практики : диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.11 / Агабабян Арсен Зармикович; - Москва, 2013.- 214 с.: ил. РГБ ОД, 61 13-12/595

44. Маркаров В.Р. Конституционно-правовой статус прокуратуры в Российской Федерации и зарубежных государствах: сравнительно-правовое исследование: диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.02 / Маркаров Владимир Робертович;- Москва, 2012.- 191 с.: ил. РГБ ОД, 61 12-12/100

45. Лавров В.В. Прокурорский надзор за исполнением законов об охране объектов культурного наследия: диссертация ... кандидата Юридических наук: 12.00.11 / Лавров Вениамин Владимирович; - Москва, 2016.

46. Шибина А.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав граждан на охрану здоровья: диссертация ... кандидата Юридических наук: 12.00.11 / Шибина Александра Валерьевна; [Место защиты: ФГКОУ ВО «Университет прокуратуры Российской Федерации»], 2018

47. Максютов М.Ф. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере закупок товаров, работ, услуг отдельными видами юридических лиц: диссертация ... кандидата Юридических наук: 12.00.11 / Максютов Марсель Флоритович, 2018

48. Хусяйнова С.Г. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере жилищно-коммунального хозяйства на современном этапе: диссертация ... кандидата Юридических наук: 12.00.11 / Хусяйнова Светлана Геннадьевна, 2017.- 226 с.

Интернет ресурслари:

49. www.lex.uz
50. www.norma.uz
51. www.prezident.uz
52. www.huquq va burch
53. www.stat.uz
54. www.ziyonet.uz
55. www.disnatlib.uz
56. www.e-library
57. www.disstertant.uz
58. new-department.uz
59. <https://mib.uz>
60. <https://uz.wikipedia.org>
61. <https://www.ppsc-sppc.gc.ca>
62. <https://uzedu.uz>
63. <https://mdo.uz>
64. <https://stat.uz>